

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**34-сон**  
**(898)**  
**2019 йил**  
**26 август**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

593. «Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини химоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августдаги ПФ–5785-сон Фармони
594. «Тошкент давлат аграр университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 августдаги ПҚ–4421-сон қарори
595. «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги ПҚ–4422-сон қарори
596. «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларини давлат

томонидан кўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 августдаги ПК-4423-сон қарори

#### *Учинчи бўлим*

597. «Умумий ўрта таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 701-сон қарори
598. «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби ҳамда Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сон қарори

#### *Бешинчи бўлим*

599. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси, Молия вазирлигининг 2019 йил 19 июлдаги 01-02/13-47, 86-сон «Давлат божхона хизмати органларида мажбурий хизматни ўташ ҳақидаги шартномаларни тузиш ҳамда шартнома шартлари бажарилмаганда харажатларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3125-1*)
600. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 5 августдаги 88-сон «Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган харажатларнинг ғазна ижроси тартиби ҳақидаги низомнинг 52-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1941-2*)
601. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 19 августдаги 346-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1336-1*)
602. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 19 августдаги 347-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1337-5*)

603. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 19 августдаги 348-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1345-5*)
604. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 22 июлдаги 84, 2019-44, 01-02/8-40-сон «Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 21 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2771-2*)
605. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 6 августдаги 89, 14, кк-01, 2019-51, 01-02/8-31-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2885-1*)
606. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2019 йил 16 июлдаги 349-сон «Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3097-1*)
608. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 23 августдаги 353-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 994-1*)
609. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 23 августдаги 354-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1327-2*)
610. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 23 августдаги 355-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1617-1*)

611. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 23 августдаги 356-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1451-1*)
612. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 23 августдаги 357-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 871-2*)
613. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 23 августдаги 358-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1677-3*)
614. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 23 августдаги 359-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1352-1*)
615. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 23 августдаги 360-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1476-1*)
616. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 20 июлдаги 16/6-сон «Тижорат банклари томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларини юритиш тартибига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 510-6*)
617. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 10 августдаги 18/4-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-18*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 17 августдан 23 августгача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **593 Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида\***

Кейинги йилларда мамлакатимизда ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга жўнаб кетаётган фуқароларнинг (кейинги ўринларда — меҳнат мигрантлари) ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларга зарур ҳуқуқий, ижтимоий, ахборот-маслаҳат ёрдами кўрсатиш ва моддий қўллаб-қувватлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари учун ишончли, шу жумладан уй-жой ва маиший шароитларни яхшилаш, молиявий ёрдам, ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш масалаларида ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмларини яратишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш талаб этилмоқда.

Бундан ташқари, меҳнат мигрантлари ва улар оила аъзоларининг яшаши ва меҳнат фаолияти учун муносиб шароитлар яратиш учун ваколатли идоралар билан республиканинг ҳамда хорижий давлатлар маҳаллий ҳокимият органларининг раҳбарлари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, мазкур йўналишда мувофиқлашган фаолиятни таъминлаш зарур.

Меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, давлат томонидан уларнинг кундалик эҳтиёжлари ва орзу-умидлари тўғрисида ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, мамлакат ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ишончли ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя кафолатларини кучайтириш мақсадида, шунингдек, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг таклифларини ҳисобга олиб:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига 2020 йилда уй-жой қурилиши бўйича давлат дастурларининг ижроси доира-

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 августда эълон қилинган.

сида кўп квартиралар уйлари 3 462 та хонадонни 1-иловага\* мувофиқ ажратсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг қуйидагилар тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

меҳнат мигрантлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олинган кредит тўловларини «Азия инвест банк» акциядорлик жамияти ва Россиядаги бошқа ҳамкор-банклар орқали Россия рублида, шу жумладан электрон тўлов тизимлари орқали амалга ошириш механизмини жорий қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикасидан кетган меҳнат мигрантлари кўпроқ йиғилган Россия Федерацияси ҳудудларида «Азия инвест банк» акциядорлик жамиятининг банк инфратузилмасини ва мижозларга хизмат кўрсатишнинг масофавий каналларини кенгайтириш чораларини кўриш.

3. 2019 йил 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ҳамда Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан:

меҳнат мигрантларига — хорижда ишга жойлашиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш учун бериладиган, бир банк куни давомида тез расмийлаштирилган ҳолда энг кам талаб қилинадиган ҳужжатлар (паспорт, ариза ва меҳнат органининг илтимосномаси) асосида 2019-2020 йилларда 10 фоиз ва 2021 йилда 12 фоиз ставкада 2 млн. сўм миқдорида бир йил муддатга, шу жумладан тақдим этилаётган кредит фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдоридаги тижорат банкининг маржаси билан микроқарзлар бериш;

суғурта компанияларига — йилига бир мартаба хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида фуқаролар ҳаёти ва соғлигини ҳамда бошқа таваккалчиликларни суғурталаш бўйича суғурта мукофоти суммасини қоплаш учун суғурталанган ҳар бир меҳнат мигранти учун 50 минг сўм миқдорида бир марталик субсидиялар тақдим этиш амалиёти жорий этилсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида фуқаролар ҳаёти ва соғлигини ҳамда бошқа таваккалчиликларни суғурталаш бўйича суғурта мукофоти суммасини қоплаш учун бир марталик субсидиялар тақдим этиш тартибини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) 2-иловага\* мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

---

\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг уюшган меҳнат миграцияси, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, уларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкиллаштириш, мазкур соҳадаги миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш;

хорижий мамлакатларнинг ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, меҳнат мигрантлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро шартномаларга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши (ратификация қилиши) бўйича таклифларни кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига уларнинг хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш, адолатли ва хавфсиз меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини, шунингдек, Ватанга қайтганларидан сўнг жамиятга қўшилишини таъминлаш;

давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг ташқи меҳнат миграцияси соҳасида қилинган ишлар бўйича ҳисоботларини тинглаш, шу асосда уларни рағбатлантириш ёки жавобгарликка тортиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги ишларнинг ахволини тизимли таҳлил ва мониторинг қилиш ҳамда унинг яқунлари бўйича меҳнат мигрантларига ҳуқуқий, молиявий ва моддий кўмаклашиш воситаларининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ҳар олти ойда камида бир марта меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилган ишлар тўғрисида Республика комиссиясига ҳисобот беради.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида ходимларининг чекланган сони 8 штат бирлигидан иборат Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари департаменти (кейинги ўринларда — Департамент) 3-иловага\* мувофиқ ташкил этилсин.

Белгилансинки, Департаментнинг штатлари сони Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва унинг ташкилий тузилмасига кирувчи муассасаларнинг 8 та штат бирлигини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади.

6. Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси — Хорижда вақтинчалик

---

\* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари департаментининг мудирини лавозими киритилсин.

7. Қўйидагилар Департамент фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

миграция жараёнларини комплекс таҳлил қилиш, ташқи меҳнат миграцияси сабаблари ва омилларини, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, шунингдек, уларнинг хорижда бўлиш шарт-шароитларини яхшилаш билан боғлиқ тизимли муаммоларни аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини уюшган ҳолда хорижда ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича йиллик режалар ва дастурларни, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг хорижда меҳнат, маиший ва яшаш шароитларини яхшилаш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутувчи ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги устувор вазифаларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар («йўл хариталари») ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ташқи меҳнат миграцияси соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда вақтинча ишга жойлаштириш ва уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш;

ваколатли органларнинг, шу жумладан Агентликнинг хорижий ваколат-хоналари, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва консуллик муассасалари томонидан меҳнат мигрантлари мурожаатларини кўриб чиқиш, улар билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқот ўрнатиш бўйича самарали фаолиятини ташкил этиш;

ижтимоий-маиший масалаларни ҳал қилиш, уй-жой шароитини яхшилаш, меҳнатга лаёқатли оила аъзоларини, айниқса аёлларни иш билан таъминлаш ва меҳнат мигрантларининг болаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали меҳнат мигрантларининг Ўзбекистон Республикасидаги оила аъзолари даромадлари ва турмуш даражасини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

дастлабки касбий тайёргарлик, мослашув тадбирларини амалга ошириш, меҳнат мигрантларини хорижда ишга жойлаштириш, уларга, шу жумладан ўз Ватанига қайтиб келганидан сўнг ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш жараёнларини самарали мониторинг ва назорат қилиш.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари хорижий мамлакатларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари билан меҳнат мигрантларининг меҳнат фаолиятини амалга ошириш ва истиқомат қилиши учун руҳсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш, ишга қабул қилишда уларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши, меҳнат мигрантлари учун муносиб яшаш ва маиший шарт-шароитларни яратиш, соғлиқни сақлаш ва таълим муассасалари хизматларидан фойдаланиш, шунингдек, меҳнат мигрантларининг хо-



рижда бўлиши билан боғлиқ эҳтимолий муаммоларни ҳал қилиш масалалари бўйича доимий асосда яқин ҳамкорлик муносабатларини ўрнатсин.

9. Шундай тартиб амалиётга жорий этилсинки, унга кўра:

Агентлик ўзида мавжуд маълумотлар ҳамда хусусий бандлик агентликлари ва Агентликнинг хориждаги ваколатхоналаридан олинган маълумотлар асосида ҳар ойнинг 5-санасига қадар ташқи меҳнат миграцияси соҳасида қилинган ишлар ва аниқланган муаммолар тўғрисидаги ахборотни, уларни ҳал этиш бўйича аниқ таклифлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига киритади;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда ҳар ойнинг 10-санасига қадар ташқи меҳнат миграцияси ҳолати, меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилган ишлар ҳақида йиғма-таҳлилий маълумотни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига ахборот-бериш ва Республика комиссияси мажлисларида кўриб чиқиш учун Департаментга киритади.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ишлаб чиқилаётган «Ягона миллий меҳнат тизими» ахборот тизими доирасида, шу жумладан қуйидагиларни назарда тутувчи «labor-migration» дастурий мажмуасини 2019 йил 1 октябрга қадар жорий этсин:

хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагини билдирган фуқароларга иш берувчи мамлакатда бўлиш қоидалари, меҳнат, ижтимоий, уй-жой ва маиший таъминот шароитлари, хорижий иш берувчилар билан меҳнат шартномаларини тузишнинг ҳуқуқий жиҳатлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган молиявий ёрдам чоралари тўғрисидаги маълумотларни онлайн тарзда тақдим қилиш;

Агентлик ва хусусий бандлик агентликлари фаолияти тўғрисида, шу жумладан улар кўрсатадиган хизматларнинг турлари ва нархлари, хорижий иш берувчиларда мавжуд бўлган бўш иш ўринлари, шунингдек, ушбу иш ўринларига ишга жойлашиш тартиби тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижда вақтинчалик меҳнат фаолияти мониторинги, шу жумладан касбий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, тақдим этилган молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари, кўрсатилган ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам, шунингдек, хорижий иш берувчилар билан тузилган меҳнат шартномалари тўғрисидаги ахборотлар;

чет элда оғир вазиятга тушиб қолган ва ёрдамга муҳтож меҳнат мигрантлари томонидан масофадан туриб мурожаат йўллаш имконияти;

меҳнат мигрантлари, ишга жойлашиш географияси, уларнинг фаолият йўналишлари ва турлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу Фармонда назарда тutilган кредитлар, субсидиялар, микроқарзлар ва кўп квартирали уйлардаги хонадонлар «labor-migration» дастурий мажмуасида рўйхатдан ўтган меҳнат мигрантларига тақдим этилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Банд-

лик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ва Курилиш вазирлиги:

а) 2019 йил 1 октябрга қадар қуйидагиларни:

уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантлари учун 2020 йилда уй-жойлар қуриш параметрлари;

Уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига кўп квартирали уйлардан хонадонлар ажратиш тартиби тўғрисида, шу жумладан ипотека кредитлари олиш ҳуқуқига эга талабгорларни саралаб олиш тартибини кўзда тутувчи низомни Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

б) 2021 йил ва кейинги йилларда уй-жойлар қуриш параметрларини шакллантиришда уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантлари учун кўп квартирали уйлардан хонадонлар киритилишини белгиланган тартибда назарда тутсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, иштирокчи тижорат банклари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда меҳнат мигрантлари учун кўп квартирали уйларда уй-жой қуриш бўйича давлат дастурида назарда тутилганидан ортиқ миқдорда хонадонлар қурилишига халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг узоқ муддатли имтиёзли кредитларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

13. Ташқи меҳнат миграцияси тизимини янада такомиллаштириш, унинг уюшган шаклларини тубдан кенгайтириш, республикадан ташқарига ишлаш учун кетаётган фуқароларнинг меҳнат, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантларини тадбиркорлик ва меҳнат фаолиятига жалб этиш Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири биринчи ўринбосарининг асосий вазифаси этиб белгилансин.

14. Меҳнат мигрантларининг ишлаш ва яшаш шароитлари билан танишиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси — Департамент мудури бошчилигидаги ваколатли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарияти ва вакилларида таркиб топган делегацияларнинг хорижий давлатларга, энг аввало Россия Федерациясига тизимли равишда сафар қилиши амалиёти жорий этилсин.

15. Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, Агентликнинг хориждаги ваколатхоналари мансабдор шахслари ва масъул ходимлари меҳнат мигрантларининг муурожаатлари билан ишлашда, айниқса кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўришни талаб қилувчи масалаларда ва уларга зарур ёрдам кўрсатиш борасида совуққонлик, буйрукбозлик ва сансалорликка йўл қўйганлик учун шахсан жавобгар эканлиги тўғрисида қатъий огоҳлантирилсин.

16. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифалари кенг миқёсда ёритилишини ташкил этсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасига ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар тайёрласин;

ушбу Фармонда белгиланган вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорини қабул қилсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 20 август,  
ПФ-5785-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **594 Тошкент давлат аграр университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳудудларни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, соҳага халқаро таълим стандартлари ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Амалга оширилган ислохотлар ўқув-тарбиявий жараён сифатини ошириш, уни инновацион мазмун билан тўлдириш, талабаларда мустақил равишда янги билимларни эгаллаш кўникмасини шакллантиришга имкон яратди.

Шу билан бирга, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграцияси, кадрлар тайёрлашда аграр соҳа тармоқлари билан яқин ҳамкорликни кучайтириш, илмий-тадқиқот натижаларини тарғиб ва жорий қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 августда эълон қилинган.

ПФ-5708-сон «Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг ижросини таъминлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳаси ва тармоқларида малакали кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш мақсадида:

1. Тошкент давлат аграр университети (кейинги ўринларда — Университет) ва унинг филиалларида қишлоқ хўжалиги таълими ва илм-фанини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб қўйидагилар белгилансин:

қишлоқ хўжалигида инновацион ресурс тежамкор технологияларни қўллаш, «ақлли қишлоқ хўжалиги» (Smart agriculture) ва рақамлаштирилган агротехнологияларни жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш;

ўқув-лаборатория базасини модернизациялаш, фан дастурларида соҳа бўйича замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари, юқори унумли ва ресурс тежамкор илғор технологиялар соҳасидаги билимларни шакллантиришга қаратилган вазифаларни ақс этириш;

хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар, илмий ва илмий-педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва стажировкаларини ташкил этиш;

илмий-тадқиқот институтлари, манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш ҳамда уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш;

Университет ва унинг филиаллари ахборот-маслаҳат марказлари (extension center) орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича «ахборот — маслаҳат маркази — кафедра — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси» тизимини жорий этиш;

профессор-ўқитувчилар, илмий-тадқиқотчилар ва талабаларнинг инновацион технологияларни яратиш ҳамда жорий этиш борасидаги ташаббускорлиги ва моддий манфаатдорлигини ошириш;

ўқув машғулоти, малакавий амалиётларни ўтишда талабаларни инновацион ва янгича фикрлашга йўналтирадиган янги ўқитиш технологиялари ҳамда интерфаол услубларни, шу жумладан талабаларнинг мустақил изланишини таъминловчи механизмларни кенг жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқлари учун кадрлар тайёрлашнинг узвий тизимини яратиш, бириктирилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари таълим дастурларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш.

## 2. Қўйидагилар:

Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари фаолиятини янада тақомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» 1-иловага\* мувофиқ;

Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ташкил этиладиган янги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларидаги таълим йўналишлари, мутахассисликларига бириктирилаётган илмий-тадқиқот муассасалари рўйхати 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қишлоқ хўжалиги соҳасида фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин ҳамда унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

маъмурий бўйсунидан қатъи назар қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳамда унинг тармоқлари бўйича изланишлар олиб бораётган, кадрлар тайёрловчи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги талаб ва илғор хорижий тажрибалар асосида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларини тизимли равишда такомиллаштирилишини таъминлаш.

Белгилансинки, Университет қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори малакали илмий-педагог кадрлар ва мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги соҳасида фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб:

тажриба-синов тариқасида Университетнинг 5411500 — Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини бакалавриат таълим йўналишида таълимнинг кредит тизимини босқичма-босқич жорий этиш;

Университетнинг 2-босқич талабалари орасидан саралаб олинган иқтидорли талабалар учун таълимнинг алоҳида дастурлари асосида ўқитиладиган махсус гуруҳлар ташкил этиш. Бунда давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурлари хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилади;

қишлоқ хўжалигида агротехник тадбирларнинг мавсумийлигини инобатга олиб, диссертацияларда икки йиллик илмий-амалий дала тажрибаси натижаларининг қамраб олинишини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги магистратура мутахассисликлари ўқув жараёнини январь ойидан бошлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Бунда таълимнинг кредит тизимида талабалар учун ҳафтада беш кунлик ўқиш ҳамда ҳафтанинг шанба куни мустақил ўзлаштириш куни деб белгилансин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан унинг асосланган таклифлари асосида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бакалавриат

---

\* 3-4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини тасдиқлаш ҳамда ўқув жараёнига босқичма-босқич жорий этиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

Университет ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчилари ўқув, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий, ташкилий-методик ишлардан ташқари вазирлик ҳамда идораларнинг бошқа ишларига жалб этилмайди, шартнома доирасида кўрсатиладиган хизматлар бундан мустасно.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

а) Тошкент давлат аграр университети ва Нукус, Андижон, Термиз филиаллари тузилмасини қайта кўриб чиқиб, тасдиқланишини таъминласин;

б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда Тошкент давлат аграр университетининг Самарқанд филиалини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

Университет қошидаги Қибрай академик лицейи ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимига ўтказилаётган қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежлари негизида олий таълим тизими билан интеграциялашган олий мактаблар ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

2020 йил 1 августга қадар олий мактабларни тамомлаган битирувчилар учун бакалавриятнинг 3 йиллик махсус таълим дастурларини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин;

г) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

Университет ва унинг филиаллари талабаларининг малакавий амалиётларини етакчи корхона, ташкилот ва қишлоқ хўжалиги кластерларида сифатли ўтказилишини таъминласин ва мониторингини олиб борсин;

икки ой муддатда агросаноат мажмуи таркибидаги корхона, ташкилот ва муассасаларни раҳбар кадрлар билан таъминлаш мақсадида Университетда «Агробизнес ва бошқарув» йўналишида захира кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

бир ой муддатда Университет ва унинг филиалларида кириш учун белгиланган қабул чегарасидан кам балл тўплаган абитуриентлар учун оширилган тўлов-контракт миқдорини икки бараварга камайтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига таклиф киритсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, олий мактабда:

ўрта махсус, касб-хунар таълими даражасида кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида кадрлар тайёрланади ва олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишлари билан интеграциялашган кичик бакалаврлар (Associate degree) тайёрлаш бўйича таълим дастурлари амалиётга жорий этилади;

кичик бакалавр (Associate degree) таълим дастурларини тамомлаган

битирувчилар 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб мос бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кириш синовларисиз суҳбат ўтказиш орқали бакалаврлар тайёрлашнинг махсус уч йиллик дастури бўйича ва ўқиш тугаганидан сўнг тақсимотга мувофиқ уч йил давомида узлуксиз ишлаб бериш мажбуриятини олган ҳолда Университет ва унинг филиалларига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлади;

фаолиятни молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, вазирлик, идоралар, йирик иш берувчилар ҳамда буюртмачиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро молия институтларининг маблағлари ва ўқувчиларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳисобланади;

яқуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган битирувчиларга давлат намунасидаги диплом ва тегишли касблар бўйича белгиланган тартибда разрядлар берилади;

ўқувчиларни қабул қилиш параметрлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида, ташаббускорлар маблағлари ҳисобига Университет ва унинг филиалларида «Кичик инновацион корхона»ларни тажриба-синов тариқасида ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

#### 9. Университет:

хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасаларида синовдан ўтган тажрибаларни ўрганган ҳолда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Университетда раҳбар кадрлар ҳамда профессор-ўқитувчилар фаолияти самардорлигининг баҳолаш тизимини жорий этсин;

уч ой муддатда Университетни 2025 йилга қадар дунёнинг нуфузли 1000 та олий таълим муассасалари рўйхати (QS рейтинг тизими)га кириши бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этсин;

бир ой муддатда Университет ва унинг филиаллари уставлари тасдиқланишини ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда университетнинг 5411500 — Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини таълим йўналишида таълимнинг кредит тизимини жорий қилиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда тажриба-синов тариқасида Агробиология факультетини Тошкент давлат аграр университети таркибида мустақил фаолият юритадиган юридик шахс сифатида ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

Университет ва унинг филиаллари ҳузурида ташкил этиладиган «Кичик

инновацион корхона»лар ўртасида тузиладиган шартноманинг намунавий шаклини ишлаб чиқсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат сохаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов зиммасига — қарордаги вазифаларнинг ижроси ва мониторинги олиб борилишини таъминлашга, маъмурий бўйсунушидан қатъи назар илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев, Университет ректори Б.А. Сулаймонов зиммасига — қарор ижросини бевосита таъминлаш, университетга замонавий таълимнинг кредит тизимини татбиқ этиш, илмий изланишлар натижаларини тижоратлаштириш, фан-таълим ва ишлаб чиқаришни узвий интеграциялаш, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тажриба-синов тариқасида «Кичик инновацион корхона»ларни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев, Олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига — таълимнинг кредит тизимидаги ва Университетнинг 2-босқич талабалари орасидан саралаб олинган иқтидорли талабалар учун таълимнинг алоҳида дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда Университет қошидаги Қибрай академик лицейи ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида ўтказилаётган қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежлари негизида олий мактаб ташкил этиш чора-тадбирларини кўриш бўйича жавобгарлик юклансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 19 август,  
ПҚ-4421-сон



Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2019 йил 19 августдаги  
ПҚ-4421-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Тошкент давлат аграр университети ва унинг  
филиалларида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ташкил  
этиладиган янги бакалавриат таълим йўналишлари ва  
магистратура мутахассисликлари  
РЎЙХАТИ**

**I. Бакалавриат таълим йўналишлари**

1. Қишлоқ хўжалигида рақамли технологиялар
2. Агротуризм
3. Қишлоқ хўжалигида кооператив бошқарув
4. Гидробиология
5. Ихтиология
6. Асаларичилик
7. Ветеринария медицинаси (хайвонот турлари бўйича)
8. Зооинженерия (қорамолчилик)
9. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти
10. Тупроқ бонитировкаси ва ер ресурсларидан фойдаланиш
11. Агросаноатда технологик жараёнларни автоматлаштириш ва техник сервис
12. Агробизнес ва маркетинг

**II. Магистратура мутахассисликлари**

1. Агрологистика
2. Агробизнес ва инвестицион фаолият
3. Агросаноатда бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил
4. Қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизлик
5. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертифицикатлаштириш
6. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти
7. Органик деҳқончилик ва озиқ-овқат хавфсизлиги
8. Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат
9. Субтропик ва цитрус мева экинлари
10. Қишлоқ хўжалиги биотехнологияси
11. Мева-сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги
12. Кластерларни бошқариш

*Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда янги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**595 Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида\***

Республикада иқтисодиёт барқарор ўсишини таъминлашга ва аҳолининг фаровонлик даражасини оширишга, ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган талаб-эҳтиёжни узлуксиз қаноатлантиришга қаратилган нефть-газ, электр энергетика, кўмир, кимё, қурилиш индустриясини ривожлантиришнинг узок муддатли стратегияси амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ёқилғи-энергетика тармоғининг мавжуд қувватлари энергия ресурсларига ортиб бораётган талаб-эҳтиёжни тўлиқ даражада таъминламаяпти, мамлакатимиз иқтисодиётининг энергия сарфи ҳажми ривожланган мамлакатларнинг ўртача кўрсаткичидан анча юқоридир.

Ҳозирги вақтда асосан гидроэлектростанциялар ишлаб чиқараётган қайта тикланувчи энергия манбалари ҳиссасига мамлакатда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси умумий ҳажмининг атиги ўн фоизи тўғри келмоқда. Ниҳоятда катта салоҳият мавжуд бўлишига қарамасдан, қуёш ва шамол сингари қайта тикланувчи энергия манбаларининг имкониятларидан тўлиқ даражада фойдаланилмаяпти.

Шу муносабат билан, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш давлат сиёсатининг ҳозирги босқичдаги долзарб йўналишларидан бири бўлиб қолиши лозим.

Илғор хорижий тажрибани инobatга олиб, мавжуд ресурсларни ва ишга солинмаган салоҳиятни жалб этиш орқали энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия сарфи ҳажмини кескин камайтириш борасидаги ишларни комплекс ташкил этиш, шунингдек, ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги имтиёз ва преференциялар, шу жумладан қуйидагилар:

қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан беш йил муддатга солиқнинг барча турларини тўлашдан;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 августда эълон қилинган.

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини (номинал қуввати 0,1 МВт ва ундан ортиқ бўлган) ўрнатганлик учун улар фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан ўн йил муддатга мол-мулк солиғини ҳамда ушбу қурилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича ер солиғини тўлашдан;

ишлаб турган энергетика ресурслари тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган яшаш учун мўлжалланган жойларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланилган ойдан эътиборан уч йил муддатга ер солиғини тўлашдан озод этилиши назарда тутилган;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги «Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3379-сон қарори билан ўрнатилган тартибга мувофиқ, 2018 йил 1 январдан бошлаб:

давлат органлари ва муассасаларининг бино ва иншоотлари, шунингдек, кўп квартирали уй-жой фондини лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, қуриш ва фойдаланишга топширишда уларда энергия самарадор ва энергия тежамкор технологиялардан фойдаланилганлиги юзасидан шахар-созлик нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги текширилади;

якка тартибдаги уй-жой қурилишидан ташқари, барча бино ва иншоотларни лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш ва қуришда, иссиқ сув таъминоти учун сертификатланган қуёш сув иситкич қурилмаларини, шунингдек, энергия тежамкор лампаларни мажбурий тартибда ўрнатиш кўзда тутилади.

2. Энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича вазирлик ва идораларнинг, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа корхоналари ва ташкилотларининг иши қониқарсиз деб топилсин.

3. Маъмурий биноларда, аҳоли пунктларида ва ишлаб чиқариш объектларида энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни кенг жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилиниши юзасидан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг биринчи раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари шахсан жавобгар эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамда қўйидагиларни назарда тутувчи 2019 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини янада ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш комплекс дастури (кейинги ўринларда — Комплекс дастур) маъқуллансин:

а) қўйидагиларни:

қайта тикланувчи энергия манбаларини янада ривожлантиришнинг

мақсадли параметрларини 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлаш, уларнинг улушини 2030 йилга бориб электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 25 фоизидан кўпроғига етказиш;

иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини янада ошириш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси»ни 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлаш;

б) минтақаларда ижтимоий соҳа объектларини (таълим муассасалари, шу жумладан мактабгача таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш объектиларини) энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш, шунингдек:

иссиқ сув ва электр энергияси билан таъминлаш учун замонавий қуёш фотоэлектрик станциялари ва қуёш сув иситкичларини (марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимларига уланган объектлар бундан мустасно), шунингдек, энергия самарадор, шу жумладан бивалент иситиш тизимларини босқичма-босқич ўрнатиш, хусусан замонавий иссиқлик насослари ва рекуператорларини жорий этиш;

биноларнинг иссиқлик ҳимоя тизимини яхшилаш, икки камерали ва энергия самарадор дераза блокларини, светодиодли манбаларни ўз ичига олган сенсорли датчиклар, шунингдек, ҳаво рекуператорлари ва бошқа тизимларни ўрнатиш ҳисобига Нукус шаҳрида, вилоят марказларида ва вилоятларнинг шаҳарларида энергия истеъмолини камайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

в) хусусий хонадонларда қуёш фотоэлектрик станциялари (ўртача 2 кВт) ва қуёш сув иситкичларини (ўртача 200 литр) ўрнатиш;

г) маиший истеъмолчиларнинг, шунингдек, юридик шахсларнинг но-стандарт газ-горелкали қурилмаларини замонавий ва энергия самарадор газ-горелкали қурилмаларга алмаштириш;

д) Қуёш фотоэлектрик станциялари ва қуёш сув иситиш қурилмалари билан жиҳозлаш тавсия этиладиган давлат органлари ва ташкилотларининг маъмурий бинолари ва инфратузилма объектлари рўйхатини 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлаш.

5. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ўзларига тегишли маблағлари, шунингдек, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг имтиёзли кредит ресурслари, хорижий донорларнинг техник кўмаги маблағлари (грантлари) Комплекс дастурнинг чора-тадбирларини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Энергетика вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Комплекс дастурни амалга оширишга кредит ресурсларини ва техник кўмак маблағлари (грантларни) жалб этиш мақсадида халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва хорижий донорлар билан музокаралар олиб борсин.

---

\* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ 2020 йил 1 январдан қуйидаги тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар йили тасдиқланадиган параметрлар доирасида молиялаштирилади:

а) жисмоний шахсларга қуёш фотоэлектрик станциялари, қуёш сув иситкичлари, шунингдек, энергия самарадор газ-горелкали қурилмаларни сотиб олиш харажатларининг 30 фоизи миқдоридан, бироқ:

қуёш фотоэлектрик станциялари учун — 3 миллион сўмдан;

қуёш сув иситкичлар учун — 1,5 миллион сўмдан;

газ-горелкали қурилмалар учун — 200 минг сўмдан ошмайдиган миқдорда компенсациялар тақдим этиш;

б) жисмоний ва юридик шахсларга қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари, энергия самарадор газ-горелкали қурилмалар ва қозонлар, шунингдек, энергия самарадор бошқа ускуналарни харид қилишга тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплашга қуйидаги компенсацияларни тақдим этиш:

жисмоний шахсларга — 500 миллион сўмдан ошмайдиган кредитлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ошган қисмида, бироқ 8 фоизли пунктдан кўп бўлмаган миқдорда;

юридик шахсларга — 5 миллиард сўмдан ошмайдиган кредитлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ошган қисмида, бироқ 5 фоизли пунктдан кўп бўлмаган миқдорда;

в) энергия самарадор, энергия тежовчи технологиялар ва ускуналарга, шунингдек, уларни синаш методларига нисбатан талабларни ўрнатадиган халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Энергетика вазирлиги икки ой муддатда ушбу бандда назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш механизмини белгиласин.

7. Белгилансинки, ҳар йили:

15 сентябрга қадар давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар келгуси йилда қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари, энергия самарадор ва энергия тежовчи бошқа ускуналар билан жиҳозланиши, шунингдек, иссиқлик ҳимоясини яхшилаш бўйича ишларни амалга ошириш лозим бўлган объектлар рўйхати (кейинги ўринларда — Рўйхат)га киритиш учун Энергетика вазирлигига тақлифлар киритади;

1 октябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа, шунингдек, туман ва шаҳарлар кесимида молиялаштиришнинг аниқ ҳажмлари ва манбаларини кўрсатган ҳолда Рўйхатни шакллантиради;

15 октябрга қадар Энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича республика комиссияси Рўйхатни кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

Рўйхатда назарда тутилган молиявий маблағларнинг ҳажми Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг ҳар йили тасдиқланадиган Давлат бюджети параметрларига киритилади.

8. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб:

а) якка тартибдаги уй-жой қурилишидан ташқари барча бинолар ва иншоотларни лойihalаштириш, реконструкция қилиш ва қуришда:

қурилиш нормалари ва қоидаларига мувофиқ биноларнинг энергия самарадорлигини таъминлаш;

лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда қурилиш нормалари ва қоидаларининг талабларини инобатга олган ҳолда бинолар ва иншоотлар энергия самарадорлиги кўрсаткичлари бўлимини тақдим этиш мажбурий тартибда назарда тутилади;

б) давлат органлари ва ташкилотлари ўз балансидаги бинолар ва иншоотларда ёритиш тизимлари учун светодиодли манбаларни ўз ичига олган сенсорли датчиклар, энергия самарадор газ-горелкали қурилмаларни ўрнатишга мажбурдир;

в) маҳсулот (ускуналар, товарлар) ва технологияларнинг энергия самарадорлиги даражаси ёки техник кўрсаткичларини белгилаш уларни Ўзбекистон Республикасининг аккредитация қилинган органлари томонидан сертификатлаштиришда мажбурий ҳисобланади.

Қурилиш вазирлиги Энергетика вазирлиги ва «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда 2019 йил 1 ноябрга қадар:

янгидан қурилаётган ва реконструкция қилинаётган бино ҳамда иншоотларнинг энергия самарадорлигига нисбатан талабларни тубдан ошириш мақсадида шахарсозлик нормалари ва қоидаларини қайта кўриб чиқсин;

бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлиги даражасини (А, Б, В ва бошқа даражалар) белгилаш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлигининг 4-иловадаги\* рўйхат бўйича мамлакатимиз корхоналари ва ташкилотларида энергетика менежменти тизимини халқаро стандартга (ISO 50001) мувофиқ 2019 йил 1 декабрдан 2023 йил 1 январга қадар босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин, мазкур тизимда қўйидагилар назарда тутилади:

энергия истеъмоли самарадорлигини баҳолашнинг шаффофлиги ва ҳолислиги, корхоналарнинг энергия сарфи ҳажмини пасайтириш, шунингдек, атмосферага чиқариладиган чиқиндиларни камайитириш;

ресурсларни, биринчи навбатда молиявий маблағларни минимал даражада сарфлаб энергия истеъмолини бошқариш самарадорлигига эришиш, корхоналар активларининг капиталлашув даражасини ошириш;

---

\* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш.

10. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва «Ўзстандарт» агентлиги масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда энергия самарадор, энергия тежовчи технология ва ускуналарга нисбатан талабларни ўрнатувчи стандартлаштириш бўйича амалдаги норматив ҳужжатларни хатловдан ўтказсин;

икки ой муддатда 2019-2020 йиллар давомида энергия самарадор, энергия тежовчи технологиялар, ускуналар ва уларни синаш методларига нисбатан талаблар ўрнатувчи зарур халқаро стандартларни қабул қилиш тармоқ графигини тасдиқласин;

икки ой муддатда 2020 йил 1 августга қадар энергия сарфловчи ускуналарни энергия самарадор ва энергияни тежаш кўрсаткичларига мувофиқлигини синовдан ўтказувчи замонавий лабораториялар ташкил қилиш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

11. 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб илгари фойдаланилган генератор ускуналари, кучланишни пасайтирувчи трансформаторлар, электр двигателлар, шунингдек, энергия самарадорлиги D тоифадаги энергия сарфловчи ускуналарни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш тақиқлансин.

Белгилансинки, ҳудудий электр тармоқлари корхоналари учун электр техника ускуналари ва қурилмаларини, шунингдек, бутловчи буюмлар ва материалларни харид қилиш «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ томонидан марказлаштирилган тартибда амалга оширилади.

12. Қўйидагилар:

Энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича республика комиссиясининг (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) янгиланган таркиби 5-иловага\* мувофиқ;

энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича ҳудудий комиссияларнинг намунавий таркиби 6-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси (А.Н. Арипов):

2019 йил 15 октябрга қадар энергия самарадорлигини ошириш ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш кўрсаткичларини аниқлаш методикасини тасдиқласин;

2019 йил 20 октябрга қадар келгусида энергия самарадорлигини баҳолаш ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш мақсадида энергия сарфи ҳажми катта бўлган корхоналар кесимида иқтисодиёт тармоқлари рўйхатини шакллантирсин;

2019 йил 20 декабрга қадар 2020 — 2022 йилларда камида 2,4 миллиард кВт/соат электр энергияси, 2,4 миллиард метр куб табиий газ ва 20 минг тонна нефть маҳсулотларини тежашни назарда тутувчи иқтисодиёт тармоқлари бўйича энергия самарадорлигини ошириш ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш мақсадли кўрсаткичларини тасдиқласин;

---

\* 5-6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

зарур ҳолларда Комплекс дастур параметрларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин;

мазкур қарорда белгиланган вазифаларни бажариш бўйича ишларни самарали ташкил этсин ва мувофиқлаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Республика комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

13. Белгилансинки,:

а) Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги:

иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини оширишни таъминлаш, мулкчилик шаклидан ва идоравий мансублигидан қатъи назар барча тоифадаги истеъмолчиларда энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, шунингдек, қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича ваколатли орган ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш соҳасидаги лойиҳаларни мувофиқлаштириш ва бошқариш, шунингдек, уларни амалга ошириш даврида мониторинг ва ҳисоботларни юритиш учун масъул бўлган ижро этувчи орган сифатида иштирок этади;

Республика комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади;

Қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича халқаро агентликда (IRENA) Ўзбекистон Республикасининг миллий мувофиқлаштирувчи органи ҳисобланади;

б) қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги билан келишилиши шарт.

14. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, иқтисодиётнинг энергия сарфи ҳажмини пасайтириш соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш, шунингдек, энергия тежовчи илғор технологиялар фаол жорий этилишини рағбатлантириш;

энергия самарадорлигини ошириш мақсадида, шу жумладан илмий-тадқиқот ишларини ташкиллаштириш ва ўтказиш орқали инвестиция лойиҳалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва ташкилотларида, иқтисодиёт тармоқлари ташкилотларининг ишлаб чиқариш жараёнларига замонавий энергия самарадор ва энергия тежовчи технологиялар жорий этилишини рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш, шунингдек, энергия ресурсларини сарфлаш самарадорлиги мониторингини амалга ошириш;

халқаро тажрибани ҳисобга олиб ва зарур бўлганда, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда энергетика аудити соҳасидаги мутахассислар ва энергетика хизматларини етказиб берувчилар малакасини ошириш учун тренингларни ташкиллаштириш;



энергия аудиторлари фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилаш, ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчилари мажбурий энергетик текширувдан ўтказилиши ва тегишли тавсиялар бажарилишининг мониторингини, шунингдек, энергия сервис компаниялари фаолияти мониторингини амалга ошириш;

идоравий мансублигидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахсларга нисбатан ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарасиз фойдаланганлик учун иқтисодий жазо чораларини қўллаш.

15. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг марказий аппарати тузилмасида Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлик ва энергия тежамкорлик бўйича департамент ташкил қилинсин.

Ташкил этилаётган бўлинмани тўлдириш мақсадида Энергетика вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган 10 нафар бошқарув ходимларидан иборат қўшимча штат бирликлари қўйидагилар ҳисобидан ажратилсин:

2 та бирлик — Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Ўзнефтьгазинспекция) ҳудудий бўлинмаларининг тегишли штат сонини қисқартириш ҳисобига;

3 та бирлик — Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергетикада назорат инспекцияси (кейинги ўринларда — Ўзэнергоинспекция) ҳудудий бўлинмаларининг тегишли штат сонини қисқартириш ҳисобига;

5 нафари — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳудудий бўлинмаларининг тегишли штат сонини қисқартириш ҳисобига.

16. Энергетика вазирлиги икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ўзэнергоинспекция ва Ўзнефтьгазинспекциянинг тақдимномаларини бажармаганлик, шунингдек, мажбурий энергетик текширувлар ва экспертизалар ўтказмаганлик учун жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва тармоқ корхоналари билан биргаликда 2020 йилнинг охирига қадар реактив қувватни тикловчи қурилмалар (конденсатор батареялари), реле химояси микропроцессор блоклари, частотали ўзгартиргичлар, бир текис ишга тушириш қурилмалари ҳамда энергия тежовчи бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш чораларини кўрсин.

18. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги бир ҳафта муддатда куёш сув иситкичлари, энергия самарадор газ-горелкали қурилмалар ҳамда энергия тежовчи бошқа турдаги ускуналарнинг афзалликларини, шу жумладан давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари, ускуналарнинг қиймати ва истеъмолчиларнинг маблағлари тежалиши тўғрисидаги маълумотларни аҳоли ўртасида кенг ёритиш бўйича медиа-режани тасдиқласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 7-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

20. Энергетика вазирлиги икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гуломов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 22 август,  
ПҚ-4422-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2019 йил 22 августдаги  
ПҚ-4422-сон қарорига  
7-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги «2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПҚ-3012-сон қарориди:

а) 1 ва 3-бандлар ҳамда 1, 3, 4, ва 4а-илвалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 2-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

олтинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишлича учинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4142-сон қарорининг 1-банди учинчи хатбошидаги «80» сони «90» сони билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**596** Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлаш-  
маларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг  
қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида\*

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, уларни меҳнат фаолиятига кенг жалб қилиш орқали ҳаёт сифати ва даражасини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, бозор иқтисодиёти шароитида ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаётган корхоналарнинг барқарор фаолият юритишини рағбатлантиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларига қарашли юридик шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишлаб чиқариш қувватларини янада модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар учун янги иш ўринларини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Молия вазирлиги, Ўзбекистон ногиронлар уюшмаси, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти ва Ўзбекистон карлар жамияти (кейинги ўринларда — ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари)нинг ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилансинки, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат ва ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар:

юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва тўлашдан озод қилинади;

солиққа тортиладиган ерлар бўйича юридик шахслардан олинadиган, ер участкасининг жойлашган ўрнига қараб белгиланган ер солиғи ставкасига нисбатан 0,1 пасайтирувчи коэффициентни қўлланган ҳолда тўлайди.

3. Давлат буюртмачиларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат ва ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ками-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 августда эълон қилинган.

да 50 фоизини ташкил этадиган ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахсларнинг товарлари (ишлари, хизматлари)ни харид қилиш учун квоталар тақдим этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасида ушбу қарорда кўрсатиб ўтилган нормаларни назарда тутсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 23 август,  
ПҚ-4423-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **597** Умумий ўрта таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар билан ҳар томонлама манфаатли ўзаро ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилиши жараёнида истиқболли ёшларни тайёрлаш, ёш авлоднинг хорижий тилларни, хусусан, немис, француз, испан, япон, корейс ва хитой тилларини чуқур ўрганиши учун шарт-шароитлар яратиш, интеллектуал салоҳиятини ошириш, халқаро майдонда мамлакатнинг туристик жихатдан нуфузини юксалтиришга қодир бўлган авлодни камол топтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг умумий ўрта таълим муассасаларида немис, француз, испан, япон, корейс ва хитой тиллари ўқув дастурларини такомиллаштириш, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб немис, француз, испан, япон, корейс ва хитой тилларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаларини (кейинги ўринларда ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари асосида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда немис, француз, испан, япон, корейс ва хитой тилларининг чуқур ўрганилишини ташкил этиш;

немис, француз, испан, япон, корейс ва хитой тилларини ўрганишда ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини намоён қилишлари учун шарт-шароитлар яратиш;

ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда немис, француз, испан, япон, корейс ва хитой тилларини чуқур ўрганиш учун давлат таълим стандартларидан ташқари қўшимча машғулотлар ташкил этиш;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 августда эълон қилинган.

немис, француз, испан, япон, корейс ва хитой тилларидан маҳоратли ўқитувчиларни жалб этган ҳолда таълим сифатини оширишга эришиш;

ўқувчиларнинг иқтидори ва истеъдодини аниқлаш ҳамда камол топтириш бўйича уларни миллий ва халқаро фан олимпиадалари, кўрик-танловлар ва бошқа тадбирларда муносиб иштирок этишга тайёрлаш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган немис, француз, испан, япон, корейс ва хитой тилларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасалари рўйхати иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда ушбу қарорга иловада рўйхати келтирилган немис, француз, испан, япон, корейс ва хитой тилларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаларининг уставлари тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

2020 йил 1 мартга қадар немис, француз, испан, япон, корейс ва хитой тили фанларига ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг ўқув режасини ишлаб чиқсин;

Германиянинг Клетт наشريёти томонидан ишлаб чиқилган немис тили дарсликлари мажмуасининг халқ таълими тизимида 2018-2019 ўқув йилида тажриба-синовдан ўтказилганлигини инобатга олган ҳолда умумтаълим муассасаларига ушбу дарсликларни харид қилиш бўйича лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиб, халқаро грантларни, чет эл инвесторларини ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Умумтаълим мактаблари учун муқобил дарсликларни яратиш ва улардан фойдаланиш тизимига босқичма-босқич ўтиш механизмининг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 5 апрелдаги 281-сон қарори талабларига мувофиқ ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларида немис, француз, испан, япон, корейс ва хитой тиллари бўйича муқобил дарсликлардан фойдаланишни босқичма-босқич амалиётга жорий этсин;

ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига япон тили бўйича ўқитувчиларни жалб қилиш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида япон тили фани ўқитувчиларига лавозим маошининг эллик фоизгача миқдорида қўшимча ҳақ тўлаш тизимини жорий этсин;

япон тили фани ўқитувчиларининг ойлик маошлари билан боғлиқ қўшимча харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими тизимидаги муассасаларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2019 йил 22 апрелдаги 344-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган халқ таълими муассасаларининг бюджетдан

---

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобига, зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Халқ таълими соҳасидаги ислохотларга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига қопласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб Жамғарма маблағлари ҳисобига немис, француз, испан, япон, корейс ва хитой тили ўқитувчиларини хорижий мамлакатларга малака оширишга юбориш чораларини кўрсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига олий таълим муассасаларини тамомлаган иқтидорли педагогларни жалб этишни ҳамда 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб немис, француз, испан, япон, корейс ва хитой тили мутахассисларини тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида, айниқса олис ва чекка ҳудудларда немис, француз, испан, япон, корейс ва хитой тили ўқитувчиларига бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, қабул квоталари оширилишини таъминласин.

8. Белгилаб қўйилсинки, 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб:

хорижий тилларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаларида ота-оналарнинг ва ўқувчиларнинг хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб немис, француз, испан, япон, корейс ёки хитой тили иккинчи тил сифатида жорий этилади;

ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларида ўқувчиларга янада чуқурроқ билим бериш, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси ва ўқитиш методикасини сингдириш мақсадида ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига хорижий мутахассисларни фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида ишга қабул қилишга рухсат берилади;

ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг 11-синф битирувчиларига халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан биргаликда ўтказилган танловлар натижаларига кўра немис тилини хорижий тил сифатида билиш даражаси бўйича Германиянинг Test DAF (Test Deutsch als Fremdsprache), француз тилидан халқаро имтиҳон натижалари бўйича Франциянинг Test DELF (Diplome d'Etudes en Langue Francaise — француз тилини ўрганганлиги тўғрисида) ва DALF (Diplome Approfondi de Langue Francaise — француз тилини чуқур ўрганганлиги тўғрисида) дипломларини, Japanese Language Proficiency Test Certificate (JLPT Certificate — япон тилини чуқур ўрганганлиги тўғрисида) сертификати бериш амалиёти жорий этилади;

олий таълим муассасаларининг хорижий филология йўналишларини тамомлаган мутахассисларни 2020-2021 ўқув йили давомида немис, француз, испан, япон, корейс ва хитой тили мутахассислиги бўйича, истисно тариқасида, бепул қайта тайёрлаш амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020 йилдан бошлаб

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида «Таълим» соҳасига ажратилган маблағлар доирасида ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари учун зарур маблағларни ажратсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 21 август,  
701-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**598** Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби ҳамда Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларни тугатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 7 июндаги ПФ–5739-сон Фармониға мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловаға мувофиқ;

Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3-иловаға мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 августда эълон қилинган.



манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Ушбу қарор 2020 йил 1 январдан кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов ва Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 21 август,  
704-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 21 августдаги 704-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва  
уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларни (кейинги ўринларда тижорат ташкилотлари деб аталади) ихтиёрий тугатиш ва тадбиркорлик субъектлари — жисмоний шахслар фаолиятини тўхтатиш тартибини белгилайди.

2. Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**молия-хўжалик фаолияти** — тадбиркорлик субъектларининг маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, савдо ва хизмат кўрсатиш, шунингдек, бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни юритиш билан боғлиқ фаолияти;

**рўйхатдан ўтказувчи орган** — Давлат хизматлари марказлари;

**тугатиш** — рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан Тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестрига (кейинги ўринларда давлат реестри деб аталади) тадбиркорлик субъектини тугатиш тўғрисидаги ёзувларни қайд этиш;

**тўхтатиш** — якка тартибдаги тадбиркорлик субъектининг фаолиятини ўз ташаббуси билан ихтиёрий равишда тўхтатиши;

**тугатувчи** — тижорат ташкилоти муассиси(лари) (қатнашчилари) ёки у(лар) томонидан тайинланган шахс(лар) (тугатиш комиссияси). Якка тартибдаги тадбиркор томонидан унинг фаолиятини тўхтатиш учун белгиланган тартибда тайинланган жисмоний шахс ҳам тугатувчининг ваколатларидан фойдаланади;

**Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими** (кейинги ўринларда Тизим деб аталади) — тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишни, шунингдек, рўйхатдан ўтказувчи орган ва ваколатли ташкилотларнинг алоқа каналлари орқали электрон ахборот алмашувини таъминлаш тизими.

3. Айрим тижорат ташкилотлари учун қонун ҳужжатларида уларни тугатишнинг ушбу Низомда назарда тутилмаган бошқача хусусиятлари белгиланиши мумкин.

4. Ушбу Низомнинг қоидалари:

банклар ва кредит бюрolari, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналарини;

шаҳарни ташкил этувчи тижорат ташкилотлари ва уларга тенглаштирилган тижорат ташкилотларини;

давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, шу жумладан, уларнинг юридик шахс ҳисобланадиган алоҳида бўлинмалари (ваколатхоналари ва филиаллари), шунингдек, халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиалларини;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган банкротлик аломатлари бўлган тижорат ташкилотларини тугатишда қўлланмайди.

5. Тижорат ташкилотини ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор унинг муассислари (қатнашчилари), вакиллари ёки ваколатли орган томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилинади.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

тугатилаётган тадбиркорлик субъекти тўғрисидаги маълумотлар (тўлиқ ва қисқартирилган номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами, почта манзили);

тугатувчи ҳақидаги маълумотлар (паспорт маълумотлари, телефон рақами ва электрон почта манзили);

тугатилаётган тадбиркорлик субъекти бўйича мурожаатларни қабул қилиш жойи ва муддати;

тадбиркорлик субъектини тугатиш сабаби ва мўлжалланаётган тугатиш муддати.

6. Тугатувчи тайинланган вақтдан бошлаб тижорат ташкилоти ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади.

7. Тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш унинг қарорига (аризасига) кўра амалга оширилади.

8. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг давлат реестрига тегишли ёзувлар қайд этилгандан кейин тижорат ташкилоти тугатилган, тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс эса ўз фаолиятини тўхтатган ҳисобланади.

9. Тижорат ташкилоти муассислари (қатнашчилари) тугатишнинг, тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс эса тўхтатишнинг исталган босқичида фаолиятини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Бунда, тадбиркорлик субъектининг молия-хўжалик фаолияти бўйича бошланган текширув (тафтиш) белгиланган тартибда якунига етказилади.

## **2-боб. Тугатувчининг ваколатлари ва уларни тўхтатиш**

10. Тугатувчи тайинлангандан кейин уч иш куни мобайнида тижорат ташкилотининг бошқарув органлари ёки жисмоний шахс унга тижорат ташкилоти фаолияти билан боғлиқ барча ҳужжатларни, шунингдек, тижорат ташкилотининг муҳри, штаплари (агар мавжуд бўлса) ва бошқа мол-мулкни рўйхат бўйича топшириши шарт.

11. Тугатувчи:

а) ихтиёрий тугатишни амалга оширади ва тижорат ташкилотининг кредиторлари, муассислари (қатнашчилари) ҳамда бошқа тегишли шахслар манфаатларига риоя этилишини таъминлайди;

б) тижорат ташкилоти қарздор сифатида иштирок этган ижро ҳужжатларининг ижросини белгиланган тартибда таъминлайди;

в) ишончномасиз тижорат ташкилоти номидан вакиллик қилади, тижорат ташкилотининг молиявий, ҳисоб-китоблар ва бошқа ҳужжатларини имзолайди;

г) тижорат ташкилотининг барча мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар ва бошқа ҳужжатлар чиқаради;

д) ушбу Низомда ўз ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилади, шунингдек, муассислар (қатнашчилар) қарорига кўра берилган тақдирда бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади;

12. Тугатувчи вазифаларини бажариш тугатиш комиссиясига юкланган тақдирда, тижорат ташкилоти фаолиятини бошқаришга оид барча масалалар овоз бериш йўли билан ҳал этилади ва тугатиш комиссияси аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар сони тенг бўлган тақдирда, тугатиш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

13. Тугатиш комиссияси мажлисларини ўтказишни унинг раиси ташкил қилади, раис ушбу Низомда белгиланган функцияларнинг тугатиш комиссияси қарорларига мувофиқ бажарилишини таъминлайди.

14. Тугатувчининг ваколатлари:

а) ихтиёрий тугатиш ниҳоясига етганда — тижорат ташкилоти тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувлар рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан тегишли давлат реестрига киритилган кунда;

б) тижорат ташкилоти фаолияти тикланганда — тугатиш ишлари тўхтатилганлиги ва тижорат ташкилоти фаолияти тикланганлиги тўғрисида қарор қабул қилинган кунда;

в) тадбиркорлик субъекти банкрот деб эътироф этилганда — тадбир-

корлик субъекти банкрот деб эътироф этилганлиги ва тугатиш ишлари бошланганлиги тўғрисида суд қарори қабул қилинган кунда;

г) янги тугатувчи тайинланганда — муассислар (қатнашчилар) томонидан тегишли қарор қабул қилинган кунда тўхтатилади. Ушбу ҳолатда тижорат ташкилотининг барча ҳужжатлари, муҳрлари, штамплари (агар мавжуд бўлса) ва бошқа мол-мулки янгидан тайинланган тугатувчига икки кун муддатда рўйхат бўйича топширилади.

### **3-боб. Тижорат ташкилотини ихтиёрий тугатиш**

15. Молия-хўжалик фаолиятини амалга ошираётган тижорат ташкилотларини ихтиёрий тугатиш ушбу Низомга иловага\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

16. Тугатувчи ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейинги иш кунидан кечикмай:

а) рўйхатдан ўтказувчи органга — ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхасини;

б) тижорат ташкилотининг талаб қилиб олинadиган асосий депозит ҳисобварағига (кейинги ўринларда асосий ҳисобварағи деб аталади), хизмат кўрсатувчи банкка ва хорижий валютадаги маблағлари жамланadиган банкка:

ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхасини;

имзолар намуналари ва тугатувчи муҳрининг босма изи қўйилган қарточкаларнинг икки нусхасини;

в) тижорат ташкилотининг миллий валютадаги иккиламчи депозит ҳисобварақларига, жамғарма депозит ҳисобварақларига ва муддатли депозит ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи банкларга — уларни ёпиш ҳамда маблағларнинг мавжуд қолдиқларини унинг миллий валютадаги асосий ҳисобварағига ўтказиш тўғрисидаги ариза-топшириқномани;

г) тижорат ташкилотининг хорижий валютадаги талаб қилиб олинadиган депозит ҳисобварақлари, жамғарма депозит ва муддатли депозит ҳисобварақлари очилган банкларга — уларни ёпиш ҳамда маблағларнинг мавжуд қолдиқларини унинг депозит ҳисобварақларига, унинг миллий валютадаги асосий ҳисобварағи очилган жойда очилган хорижий валютадаги талаб қилиб олинadиган депозит ҳисобварағига ёки, агар унинг асосий ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк ваколатли банк ҳисобланмаса, бошқа ваколатли банкдаги хорижий валютадаги талаб қилиб олинadиган депозит ҳисобварағига ўтказиш тўғрисидаги ариза-топшириқномани жўнатади.

17. Рўйхатдан ўтказувчи орган тугатиш тўғрисида қарор тушгандан сўнг бир иш куни ичида қўйидагиларни амалга оширади:

а) тижорат ташкилоти ихтиёрий тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумотларни давлат реестрига киритади ҳамда бу тўғрисида Тизим орқали қўйидаги органларни хабардор қилади:

---

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати ва статистика органларини;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси туман (шаҳар) бўлимини (кейинги ўринларда Бюро деб аталади);

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказувчи органни;

автотранспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги техникаси ва рўйхатдан ўтказиладиган бошқа техника воситаларини рўйхатдан ўтказувчи органларни;

Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлигини;

б) рўйхатдан ўтказувчи органнинг расмий сайтига тижорат ташкилоти тугатилаётганлиги тўғрисида барча учун эркин фойдаланиш имкони бўлган эълон жойлаштиради, эълонда қуйидагилар кўрсатилади:

тижорат ташкилотининг тўлиқ ва қисқартирилган номи (шунингдек, тижорат ташкилотининг тугатишдан олдинги йил мобайнида ўзгартирилган барча тўлиқ ва қисқартирилган номлари кўрсатилади);

тижорат ташкилотининг жойлашган жойи (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами;

рўйхатдан ўтказилган сана ва рўйхатдан ўтказган орган тўғрисидаги маълумотлар (номи ва манзили);

ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор тўғрисидаги маълумотлар (санаси, рақами);

кредиторларнинг талаблари кўрсатилган ҳолдаги мурожаатларни қабул қилиш муддати, ушбу муддат кўрсатиб ўтилган эълон чиққан вақтдан бошлаб икки ойдан кам бўлмаслиги керак.

Ушбу банднинг «а» кичик банди учинчи — олтинчи хатбошиларида кўрсатилган органлар тегишли хабарнома тушган кундан бошлаб беш иш куни ичида ўзларининг маълумотлар базасида тижорат ташкилоти тўғрисида мавжуд бўлган маълумотларни Тизим орқали тақдим этади.

18. Қуйидагилар:

а) рўйхатдан ўтказувчи орган хабардор қилинган санадан бошлаб:

тижорат ташкилотининг молия-хўжалик фаолияти тўхтатиб қўйилади;

ер солиғи, ягона ер солиғи, мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, шунингдек, барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеняларни ҳисоблаб ёзиш тўхтатилади. Мол-мулкни, тайёр маҳсулот қолдиқларини ва бошқа активларни сотишда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар амалдаги сотиш нархларидан келиб чиққан ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилади ва тўланади, ушбу хатбошида кўрсатилганлар бундан мустасно;

кредиторлар талабларини таъминлаш бўйича илгари кўрилган барча чоралар бекор қилинади;

тижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақиқланади;

мол-мулкни бегоналаштириш билан боғлиқ бўлган ёхуд мол-мулкни учинчи шахслар томонидан фойдаланиш учун беришга сабаб бўладиган битимлар фақат ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади;

барча мажбуриятларни, шунингдек, муддати кечиктирилган мажбурий тўловларни бажариш муддати бошланган ҳисобланади;

б) миллий ва хорижий валютадаги талаб қилиб олинadиган асосий ҳисобварағига ва иккиламчи депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банклар хабардор қилинган санадан бошлаб:

тижорат ташкилотининг миллий ва хорижий валютадаги ҳисобварақларидан маблағларни ҳисобдан чиқаришга фақат тугатувчининг топширигига биноан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади;

2-сон картотеканинг амал қилиши тўхтатиб қўйилади.

Тижорат ташкилотининг миллий ва хорижий валютадаги иккиламчи депозит ҳисобварақлари, жамғариладиган ҳамда муддатли депозит ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи банклар томонидан ушбу ҳисобварақлар ёпилиб, ҳисобварақдаги миллий валюта қолдиқларини асосий ҳисобварағига, хорижий валюта қолдиқларини хорижий валютада очилган ҳисобвараққа ўтказиб берилади.

19. Тугатувчи ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин:

а) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тижорат ташкилоти ходимлари билан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни тўхтатиш чора-тадбирларини кўради;

б) тижорат ташкилотининг активлари ва мажбуриятларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хатловдан ўтказиши, шу жумладан тижорат ташкилоти қарздор сифатида иштирок этган ижро ҳужжатлари реестрини тузади;

в) йил бошидан бошлаб рўйхатдан ўтказувчи орган тижорат ташкилотини ихтиёрий тугатиш тўғрисида хабардор қилинган санагача бўлган даврда тижорат ташкилоти томонидан тўланадиган барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни тузади;

г) тижорат ташкилотининг дебиторлик қарзларини олиш, шунингдек, тасдиқнома олган ҳолда (қабул қилиб олинган санаси тўғрисидаги белги, почта квитанцияси, ёзма ёки электрон хабар ва шу кабилар) кредиторларни аниқлаш ва тижорат ташкилотининг тугатилиши тўғрисида уларни ёзма равишда хабардор қилиш чора-тадбирларини кўради.

20. Бюронинг туман (шаҳар) бўлими рўйхатдан ўтказган органнинг билдиришномасини олган санадан бошлаб ўн кундан кечиктирмай иш юритишда ижро ҳужжати мавжудлигини белгиланган тартибда аниқлайди, унда тугатилаётган тижорат ташкилоти қарздор сифатида иштирок этади. Тегишли ижро ҳужжати мавжуд бўлган тақдирда, давлат ижрочиси қонунда белгиланган тартибда ижро ишини тугаллайди ва белгиланган тартибда тугатишни амалга ошириш учун ижро ҳужжатини тугатувчига юборади.

21. Тугатилаётган тижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилган

жойдаги давлат солиқ хизмати органи рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан Тизим орқали хабардор қилинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида тижорат ташкилотининг молия-хўжалик фаолиятини текширишга (тафтиш қилишга) киришади, унинг муддати ўттиз календарь кундан ошмаслиги керак.

Текширишда тижорат ташкилотининг охириги текшириш ўтказилган санадан бошлаб (тижорат ташкилотини текшириш давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб амалга оширилмаган бўлса — давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб) тижорат ташкилотини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақида рўйхатдан ўтказган орган хабардор қилинган санагача бўлган давр мобайнидаги молия-хўжалик фаолияти қамраб олинади, бироқ ушбу давр уч йилдан ошмаслиги зарур.

Текшириш ушбу банднинг биринчи хатбошида белгиланган муддатда тугалланмаган тақдирда, тижорат ташкилотининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи тугатувчи тақдим этган ҳисоб-китобларга биноан аниқланади.

Текшириш якунига кўра солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органи қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўради.

Давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган ҳамда солиқ қарзи мавжуд бўлмаган тижорат ташкилотларининг молия-хўжалик фаолияти текширилмайди.

22. Кредиторлар томонидан талаблар тақдим этилиши учун белгиланган муддат тугагач тугатувчи давлат солиқ хизмати органи томонидан ўтказилган текшириш натижаларини, шунингдек, тузилган ижро ҳужжатлари реестрини ҳисобга олган ҳолда оралиқ тугатиш баланси лойиҳасини тузади.

Оралиқ тугатиш баланси тижорат ташкилоти муассислари (қатнашчилари) томонидан тасдиқланади.

23. Тугатувчи оралиқ тугатиш баланси тасдиқлангандан кейин беш иш куни мобайнида тасдиқномани олган ҳолда ҳар қайси кредиторларни уларнинг талаблари эътироф этилганлиги ёки рад қилинганлиги, эътироф этилган талаблар суммаси ҳақида ёзма (электрон) равишда тасдиқномани олган ҳолда хабардор қилади.

24. Оралиқ тугатиш балансига мувофиқ у тасдиқланган кундан бошлаб тугатувчи томонидан кредиторларга қуйидаги навбат бўйича пул суммаларини тўлаш амалга оширилади:

биринчи навбатда — фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган, алиментларни ундиришга ва муаллифлик шартномалари бўйича пул тўловларига доир талабларини, шунингдек, фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигига етказилган зарар учун тижорат ташкилоти тегишли вақтбай тўловларни соқит қилиш йўли билан жавоб берадиган талабларини қондириш;

иккинчи навбатда — Давлат бюджетига ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар;

учинчи навбатда — бошқа кредиторларнинг талаблари.

25. Кредиторларнинг гаров (ипотека) билан таъминланган талабларини қондириш тижорат ташкилотининг гаровга қўйилган мол-мулкни (гаров предмети) белгиланган тартибда сотишдан кейин тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу маблағлар қолдиғи кредиторлар талабларини Низомнинг 24-бандида кўрсатилган навбат бўйича қондириш учун йўналтирилади.

Агар гаров (ипотека) предмети сотишдан тушган сумма кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини тўлиқ қондириш учун етарли бўлмаса, у ҳолда талабларнинг қолган қисми Низомнинг 24-бандида белгиланган навбат бўйича қондирилади.

26. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда тугатувчи томонидан:

мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун баҳоловчи ташкилот жалб этилади;

тижорат ташкилоти мол-мулкни очиқ савдоларда сотиш ташкил этилади.

Муомаладаги чекланган мол-мулкни сотиш ёпиқ савдоларда қонунчиликка мувофиқ кўрсатиб ўтилган мулкка нисбатан мулк эгаси ҳуқуқига ёки бошқача буюм эгаси ҳуқуқига эга бўлган шахслар иштирокида амалга оширилади.

27. Савдога қўйилган санадан бошлаб икки ой мобайнида сотилмаган мол-мулк кредиторларга баҳолаш суммасида ушбу Низомнинг 24-бандида белгиланган навбатга риоя этган ҳолда мулк этиб қабул қилиш таклиф этилади.

28. Гаровга қўйилган мулкни гаров сақловчига мулк қилиб бериш «Гаров тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасига ҳамда «Ипотека тўғрисида»ги Қонунининг 43-моддасига мувофиқ амалга оширилади. Мол-мулкни бошқа кредиторларга беришда унинг баҳолаш суммаси эътироф этилган талабларни тўлаш ҳисобига қўшилади, баҳолаш суммаси билан талаб миқдори ўртасида тижорат ташкилоти фойдасига ҳосил бўлган тафовут беш иш куни муддатида кредитор томонидан тўланади.

29. Кредиторлар талабларини қондириш муассислар (қатнашчилар) томонидан тугатилаётган тижорат ташкилотининг банкдаги ҳисобварақларига йўналтириладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

30. Кредиторларнинг талабларини тўлиқ ҳажмда қондиришнинг мумкин эмаслиги аниқланган тақдирда, тугатувчи тижорат ташкилотини тўловга қодир эмас (банкрот) деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан иқтисодий судга мурожаат қилиши шарт. Хўжалик юритувчи субъект тўловга қодир эмас (банкрот) деб эътироф этилган вақтдан бошлаб ихтиёрий тугатиш тўхтатилади ва бундан кейинги тартибот банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

31. Тугатувчи:

кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаллангандан, шунингдек, тижорат ташкилоти қарздор сифатида иштирок этган ижро ҳужжатлари амалда ижро этилгандан кейин;



солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, молиявий жарималар суммаси, шу жумладан, текширишлар якунлари бўйича ҳисобланган суммалар тўлангандан кейин;

тижорат ташкилотининг мол-мулки мулкка эгалик қилиш юзасидан буюмлар бўйича ҳуқуқларга ёки ушбу тижорат ташкилотига нисбатан мажбуриятлар бўйича ҳуқуқларга эга бўлган муассислар (қатнашчилар) ўртасида тақсимлангандан кейин тугатиш баланси лойиҳасини тузади.

32. Тугатиш баланси тижорат ташкилоти муассислари (қатнашчилари) томонидан тасдиқланади ва давлат солиқ хизмати органига топширилади. Тугатувчи тугатилаётган тижорат ташкилоти қарздор сифатида иштирок этган ва ижро этилмаган ижро ҳужжатларининг иш юритувида мавжудлиги юзасидан Бюрога сўров юборади.

Тугатиш баланси қабул қилингандан кейин давлат солиқ хизмати органи тижорат ташкилотининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи мавжуд бўлмаган тақдирда, бир иш куни мобайнида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида хулосани тугатувчига ҳамда Тизим орқали рўйхатдан ўтказувчи органга юборади.

Бюро тижорат ташкилоти қарздор сифатида иштирок этган ва ижро этилмаган ижро ҳужжати унинг иш юритувида мавжуд бўлмаган тақдирда, ижро этилмаган тегишли ижро ҳужжати иш юритувида мавжуд эмаслиги ҳақида тугатувчига ҳамда Тизим орқали рўйхатдан ўтказувчи органга уч иш куни мобайнида хабарнома юбориши шарт.

33. Давлат солиқ хизмати органи томонидан тақдим этилган тижорат ташкилотининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи йўқлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек, ижро этилмаган тегишли ижро ҳужжати иш юритувида мавжуд эмаслиги ҳақида Бюронинг хабарномаси олингандан кейин тугатувчи тижорат ташкилотининг асосий ҳисобварағи очилган банкка уни ёпиш тўғрисида мурожаат қилади. Банк бир иш куни мобайнида тижорат ташкилотига тегишли бўлган ҳисобварақни ёпади ва тугатувчига асосий ҳисобварағи ёпилганлиги тўғрисида маълумотнома беради.

Тижорат ташкилотининг ҳисобварақлари хатланган бўлса, уларнинг ёпилишига йўл қўйилмайди. Бунда тугатувчи 2-сон картотека бўйича қарздорликни тўлаш (қайтариш) ва хатлашни бекор қилиш чораларини кўради.

34. Тугатувчи асосий ҳисобварақни ёпилгандан кейин уч иш куни мобайнида давлат архивига тижорат ташкилотининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларини топширади.

35. Тугатувчи тижорат ташкилотини давлат реестридан чиқариш учун рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидагиларни тақдим этади:

тижорат ташкилотининг барча ҳисобварақлари ёпилганлиги тўғрисида хизмат кўрсатувчи банкларнинг маълумотномалари;

тижорат ташкилотининг муҳр ва штамплари (агар мавжуд бўлса);

ваколатли орган томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни бекор қилиш тўғрисидаги маълумотнома (агар мавжуд бўлса);

тижорат ташкилоти ҳужжатларининг давлат архивига топширилганли-

гини тасдиқловчи маълумотнома (давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган тижорат ташкилотлари бундан мустасно).

36. Рўйхатдан ўтказувчи орган ушбу Низомнинг 35-бандида кўрсатилган барча ҳужжатлар олингандан кейин икки иш куни мобайнида ушбу Низомнинг 32 — 34-бандлари ижроси таъминланганлигини Тизим орқали текширади ҳамда давлат реестрига тижорат ташкилоти тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувларни киритади.

Низомнинг 32 — 34-бандларида назарда тутилган маълумотлар Тизимда мавжуд бўлмаса ёки 35-банддаги ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи орган давлат реестрига ёзувлар киритишни рад этади.

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарори у қабул қилинган кундан кейин бир иш куни мобайнида тугатувчига берилади ёки унга почта орқали жўнатилади. Давлат реестрига киритиш рад этилган тақдирда, тугатувчига айни бир вақтда олинган барча ҳужжатлар, муҳр ва штамплар (агар мавжуд бўлса) қайтарилади.

37. Рўйхатдан ўтказувчи орган давлат реестрига тижорат ташкилоти тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувлар киритилгандан кейин уч иш куни ичида:

тижорат ташкилоти тугатилганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати ва статистика органларини Тизим орқали хабардор қилади;

тугатилган тижорат ташкилотининг муҳр ва штампларини (агар мавжуд бўлса) белгиланган тартибда йўқ қилиш чораларини кўради;

тижорат ташкилотига берилган лицензия ва рухсатномаларни (агар мавжуд бўлса) уларни берган органларга топширади;

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг тижорат ташкилоти жойлашган жойдаги филиалини тижорат ташкилоти тугатилганлиги тўғрисида хабардор қилади.

38. Тижорат ташкилотини ихтиёрий тугатишнинг умумий муддати рўйхатдан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида хабардор қилинган кундан бошлаб олти ойдан ошмаслиги керак.

Кўрсатилган муддат ўтгунга қадар ушбу Низомнинг 35-бандида кўрсатилган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказувчи органга тўлиқ тақдим этилмаса, ихтиёрий тугатиш тўхтатилади. Рўйхатдан ўтказувчи орган бир иш куни мобайнида давлат солиқ хизмати ва статистика органларига ихтиёрий тугатиш тўхтатилганлиги тўғрисида Тизим орқали хабар беради ҳамда ёпилган банк ҳисобварақлари қайта тикланади.

39. Ихтиёрий тугатиш ушбу Низомнинг 38-бандида кўрсатилган муддатда тугалланмаганда, шунингдек, ихтиёрий тугатиш ва тижорат ташкилоти фаолиятини тиклаш тартиботи тўхтатилганда ушбу Низомнинг 18-банди «а» кичик банди учинчи хатбошида белгиланган имтиёзлар қўлланмайди ҳамда барча тегишли тўловлар уларни ҳисоблаб ёзиш тўхтатиб қўйилган давр учун тўлиқ ҳажмда ундирилади.

#### **4-боб. Тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш**

40. Тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш:

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни юридик шахслар учун назарда тутилган тартибда тўлайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар учун — ушбу Низомнинг 3-бобида белгиланган тартибда;

катъий белгиланган солиқларни тўловчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун ушбу бобда белгиланган тартибда амалга оширилади.

41. Тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш унинг рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этган аризаси асосида амалга оширилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

муҳр ва штамплар (агар мавжуд бўлса);

барча лицензиялар (рухсатномалар)нинг асл нусхалари (агар мавжуд бўлса);

агар мавжуд бўлса, асосий ҳисобварағи ёпилганлиги тўғрисидаги тижорат банкининг маълумотномаси.

42. Рўйхатдан ўтказувчи орган фаолиятни ихтиёрий тўхтатиш тўғрисида ариза тушганидан сўнг бир иш куни ичида тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига Тизим орқали унинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи йўқлигини, шунингдек, тижорат банкида ҳисобварақ очмаганлигини (ҳисобварақ очилмаган деб кўрсатилган бўлса) тасдиқлаш учун сўровнома юборади. Бунда давлат солиқ хизмати органи сўровнома олинган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида Тизим орқали рўйхатдан ўтказувчи органга хабарнома юборади.

43. Рўйхатдан ўтказган орган қуйидаги ҳужжатлар тушганидан кейин бир иш куни мобайнида тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги ёзувни давлат реестрига киритади:

ушбу Низомнинг 41-бандида кўрсатилган барча ҳужжатлар;

давлат солиқ хизмати органининг ушбу Низомнинг 42-бандида назарда тутилган хабарномаси.

44. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги ёзувни давлат реестрига киритиш ҳақидаги қарори қабул қилингандан сўнг бир иш куни мобайнида тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахсга (вакилига) берилади ёки почта орқали жўнатилади.

45. Тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги ёзув давлат реестрига киритилгандан кейин рўйхатдан ўтказувчи орган уч иш кунда:

давлат солиқ хизмати органини тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс фаолияти тўхтатилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақида Тизим орқали хабардор қилади;

фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахснинг мухр ва штампларини (агар мавжуд бўлса) йўқ қилади;

лицензия ва рухсатномаларни (агар мавжуд бўлса) уларни берган органларга юборади.

46. Тадбиркорлик субъекти сифатида фаолиятининг тўхтатилиши жисмоний шахсни кредиторлар олдидаги унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ мажбуриятларидан озод қилмайди.

### 5-боб. Якунловчи қоидалар

47. Тижорат ташкилоти муассислари (қатнашчилари), тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс, тугатувчи ўзлари тайёрлаган, рўйхатдан ўтказган органга ва давлат солиқ хизмати органига тақдим этган ҳужжатларнинг тўғрилиги ва қонунчиликка мувофиқлиги учун жавоб берадилар.

48. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар, шу жумладан, ўзларига юкланган вазифаларни бажармаганлик ёки зарур даражада бажармаганлик натижасида кредиторларга, муассисларга (қатнашчиларга) ёки учинчи шахсларга етказилган зарар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 21 августдаги 704-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларни (кейинги ўринларда тижорат ташкилоти деб аталади) Тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестридан (кейинги ўринларда давлат реестри деб аталади) чиқариш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**молия-хўжалик фаолияти** — тижорат ташкилотининг маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, савдо ва хизмат кўрсатиш, шунингдек, бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни юритиш билан боғлиқ фаолияти;

**ҳаракатсиз ҳолатга ўтказиш** — молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тижорат ташкилотини ихтиёрий тугатиш чоралари кўрилмаганда, уларни давлат реестридан чиқаришга қадар қўлланиладиган чора;

**рўйхатдан ўтказувчи орган** — Давлат хизматлари марказлари;

**тугатиш** — рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан давлат реестрига тижорат ташкилотини тугатиш тўғрисидаги ёзувларни қайд этиш;

**Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими** (кейинги ўринларда Тизим деб аталади) — тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишни, шунингдек, рўйхатдан ўтказувчи орган ва ваколатли ташкилотларнинг алоқа каналлари орқали электрон ахборот алмашувини таъминловчи тизим.

3. Ушбу Низомнинг қоидалари:

банклар ва кредит бюролари, уларнинг филиал ва ваколатхоналарини; шаҳарни ташкил этувчи тижорат ташкилотлари ва уларга тенглаштирилган тижорат ташкилотларини;

давлат органларини, нодавлат нотижорат ташкилотларини, шу жумладан, уларнинг юридик шахслари ҳисобланадиган алоҳида бўлинмаларини (ваколатхоналари ва филиалларини), шунингдек, халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиалларини;

конун ҳужжатларида назарда тутилган банкротлик аломатлари бўлган тижорат ташкилотларини тугатишда қўлланмайди.

4. Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тижорат ташкилотларини давлат реестридан чиқариш ушбу Низомга 1-иловага\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

## **2-боб. Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тижорат ташкилотларини аниқлаш**

5. Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тижорат ташкилотлари фаолиятини ҳаракатсиз ҳолатга ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади: тўққиз ой мобайнида молия-хўжалик фаолияти бўйича банк ҳисобварақларига пул маблағлари тушмаганлиги;

тўққиз ой мобайнида солиқ ҳисоботлари тақдим этилмаганлиги.

6. Тижорат ташкилотларининг банк ҳисобварақларига тўққиз ой мобайнида молия-хўжалик фаолияти бўйича пул маблағлари тушмаганда тижорат банклари уч иш куни ичида у ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига Тизим орқали ушбу Низомга 2-иловага\* мувофиқ маълумот тақдим этади.

7. Давлат солиқ хизмати органитижорат банкларидан маълумот тушгач ва (ёки) ҳисобот топшириш муддати тугагач уч иш куни мобайнида ушбу Низомнинг 5-банди талаблари бўйича тижорат ташкилотлари тўғрисида Тизим орқали қуйидаги идора ва ташкилотларни:

рўйхатдан ўтказувчи орган ва рўйхатдан ўтган жойдаги давлат статистика органларини;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий

---

\* 1-2-иловалар «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ижро бюроси туман (шаҳар) бўлимини (кейинги ўринларда Бюро деб аталади);

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказувчи органни; автотранспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги техникаси ва рўйхатдан ўтказиладиган бошқа техника воситаларини рўйхатдан ўтказувчи органларни; Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлигини хабардор қилади.

Ушбу банднинг учинчи — олтинчи хатбошиларида кўрсатилган идора ва ташкилотлар тегишли хабарнома тушган кундан бошлаб беш иш куни ичида ўзларининг маълумотлар базаларида тижорат ташкилоти тўғрисида мавжуд бўлган маълумотларни Тизим орқали тақдим этади.

8. Давлат солиқ хизмати органи ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган юридик шахслар бўйича:

а) қўйидагиларни:

тижорат ташкилоти ҳақиқатда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлигини;

мол-мулки мавжудлигини;

юридик ва фаолият кўрсатиш манзилида мавжудлигини;

тижорат ташкилотининг барча қарздорликлари (2-сон картотекаси) таҳлилини;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги мавжудлигини;

б) муассисларининг (қатнашчиларининг) турар жойини аниқлаш ва уларни тугатиш жараёнига жалб қилиш чораларини кўради;

в) молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тижорат ташкилотлари муассисларига (қатнашчиларига) тижорат ташкилотини ихтиёрий тугатишни таклиф этади. Тижорат ташкилоти ўн иш кунинида ихтиёрий тугатишга киришмаган, тижорат ташкилоти муассислари (қатнашчилар) ихтиёрий тугатишни амалга оширишни рад этган, шунингдек, кўрсатиб ўтилган шахсларни аниқлаш мумкин бўлмаган тақдирда, ушбу Низомнинг 9-бандида назарда тутилган тадбирларни амалга оширади;

г) тижорат ташкилотининг муҳри, штампларини (агар мавжуд бўлса), давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани, шунингдек, мавжуд бўлса товар белгисининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани тижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказган органга топширтириш чораларини кўради;

д) йиғилган ва мавжуд маълумотлар асосида тижорат ташкилотининг фаолиятини камерал назоратдан ўтказиши.

### **3-боб. Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тижорат ташкилотларини ҳаракатсиз ҳолатга ўтказиш**

9. Тижорат ташкилотининг солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича қарздорликлари аниқланмаган, мол-мулки мавжуд бўлмаган, тижорат ташкилоти муассисларини (қатнашчиларини), уларнинг вакиллари ва раҳбарини

тугатиш жараёнига жалб этиш имкони бўлмаганда, давлат солиқ хизмати органлари Тизим орқали рўйхатдан ўтказувчи органга ўн иш кунда тижорат ташкилотини ҳаракатсиз ҳолатга ўтказиш тўғрисида тақдимнома юборди.

10. Рўйхатдан ўтказувчи орган уч иш кунда:

давлат солиқ хизмати органларининг тақдимномасига асосан тижорат ташкилотини ҳаракатсиз ҳолатга ўтказди, бу ҳақида давлат реестрига ҳамда Тизимга тегишли ёзув киритади;

тижорат ташкилотининг ҳаракатсиз ҳолатга ўтказилганлиги тўғрисида ўзининг расмий сайтида эълонни жойлаштиради;

тижорат ташкилотининг муассисларига (қатнашчиларига) Тизимда тижорат ташкилотининг ҳаракатсиз ҳолатга ўтказилганлиги тўғрисида хабарнома юборди.

11. Тижорат банклари ҳаракатсиз ҳолатга ўтказилган тижорат ташкилотларининг ҳисобварақларини бир иш кунда ёпиб, пул маблағларини ҳаракатсиз депозит ҳисобварақларига ўтказди.

Ҳаракатсиз ҳолатга ўтказилган тижорат ташкилотларига келиб тушган маблағлар уларнинг ҳаракатсиз депозит ҳисобварақларига кирим қилинади. Ушбу тижорат ташкилотларининг ҳисобварақларига қўйилган талаблар ҳаракатсиз депозит ҳисобварақларидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 56-моддасида белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

12. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилган таҳлиллар ва ўрганишлар натижасида солиқ қарздорликлари аниқланган тақдирда, уларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириш чоралари кўрилади.

Солиқлар бўйича қарздорликлари ундирилган тижорат ташкилотлари бўйича иш юритиш ушбу Низомнинг 9-банди асосида давом эттирилади.

13. Тижорат ташкилотининг дебиторлик-кредиторлик қарздорликларини ундириш манфаатдор шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

14. Ҳаракатсиз ҳолатга ўтказилган тижорат ташкилоти фаолияти рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан қўйидаги ҳолатларда:

тижорат ташкилотининг муассиси(лари), унинг қонуний вакиллари ёки вориси уч йилда тижорат ташкилоти фаолиятини давом эттириш тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи органга мурожаат қилган тақдирда — муассиси(лар), қонуний вакил ёки ворисларнинг қарорига асосан;

тижорат ташкилоти суд ёки ижро иши юритиш жараёнига даъвогар ёхуд жавобгар сифатида эътироф этилган ёки унга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган тақдирда, қайта тикланади.

Бунда тижорат ташкилоти янгидан ташкил этилган деб ҳисобланмайди, унинг фаолияти қайта тикланганлиги тўғрисида давлат реестрига ҳамда Тизимга тегишли ёзув киритилади.

15. Ҳаракатсиз ҳолатга ўтказилган тижорат ташкилотини жавобгар ёки даъвогар сифатида эътироф этган орган (мансабдор шахс) бу ҳақида уч иш кунда рўйхатдан ўтказувчи органни хабардор қилиши шарт.

**4-боб. Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тижорат ташкилотларини давлат реестридан чиқариш**

16. Тижорат ташкилотлари ҳаракатсиз ҳолатида сақланишига уч йил тўлганда рўйхатдан ўтказувчи орган:

ҳаракатсиз ҳолатига ўтказилган тижорат ташкилотлари фаолияти тикланмаган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уч иш кунида давлат реестридан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади ва бу ҳақида давлат реестрига тегишли ёзув киритади;

тижорат ташкилотининг муҳри, штампларини (агар мавжуд бўлса), давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани, шунингдек, мавжуд бўлса товар белгисининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилади. Агар уларни топиш имкони мавжуд бўлмаса, уч иш кунида бекор қилиниши тўғрисидаги маълумотлар рўйхатга олиш органи сайтида эълон берилади.

Давлат реестрига тугатиш ҳақида ёзиб қўйилгандан сўнг тижорат ташкилотини тугатиш яқунланган, тижорат ташкилоти эса мавжуд эмас деб ҳисобланади.

17. Давлат реестридан чиқарилган тижорат ташкилотининг банк ҳисобварақларидаги маблағлар тижорат банклари томонидан беш иш кунидатижорат ташкилотларининг пул маблағларини миллий ва хорижий валютадаги ягона ҳисобварақларида жамлайди ва ҳисобварақ очилган банк жойлашган туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига тегишли тижорат банки томонидан ўтказилади.

18. Ҳаракатсиз ҳолатда турган тижорат ташкилоти давлат реестридан чиқарилгандан сўнг унинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммалари маҳаллий бюджетларнинг даромади ҳисобланади.

**5-боб. Яқунловчи қоидалар**

19. Тижорат ташкилоти муассислари (қатнашчилари), тадбиркорлик субъекти, тугатувчи ўзлари тайёрлаган, рўйхатдан ўтказган органга ва давлат солиқ хизмати органига тақдим этган ҳужжатларнинг тўғрилиги ва қонун ҳужжатларига мувофиқлиги учун жавоб берадилар.

20. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар, шу жумладан, ўзларига юкланган вазифаларни бажармаганлик ёки зарур даражада бажармаганлик натижасида кредиторларга, муассисларга (қатнашчиларга) ёки учинчи шахсларга етказилган зарар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.



Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 21 августдаги 704-сон қарорига  
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2020 йил  
1 январдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб эътироф  
этилаётган баъзи қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида» 1999 йил 3 июлдаги 327-сон қарори («Ўзбекистон Республикаси ХТ», 1999 й., 7-сон, 35-модда.).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида («Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ–59-сон Қонуни)» 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 46-47-сон, 458-модда) 1-илованинг 23-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ–630-сон қарори)» 2007 йил 6 июндаги 109-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 23-сон, 237-модда) илованинг 2-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2008 йил 29 декабрдаги 284-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 52-сон, 523-модда) 3-илованинг 1-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 16 июлдаги ПФ–4453-сон Фармони)» 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 44-сон, 507-модда) 1-илованинг 12-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекис-

тон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» 2012 йил 26 апрелдаги ЎРҚ–327-сон Қонуни» 2012 йил 19 июлдаги 225-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 29-сон, 339-модда) илованинг 1-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2013 йил 4 январдаги 1-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 2-сон, 25-модда).

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ–2270-сон қарори)» 2015 йил 2 мартдаги 40-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 9-сон, 100-модда) илованинг 2-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 2017 йил 18 майдаги 293-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 20-сон, 372-модда).

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 майдаги ПФ–5052-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 майдаги ПҚ–3001-сон қарори)» 2017 йил 8 сентябрдаги 703-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 37-сон, 990-модда) илованинг 10-банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида («Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» 2017 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–446-сон Ўзбекистон Республикасининг Қонуни)» 2018 йил 19 январдаги 34-сон қарорига 1-илованинг 9-банди.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**599** Давлат божхона хизмати органларида мажбурий хизматни ўташ ҳақидаги шартномаларни тузиш ҳамда шартнома шартлари бажарилмаганда харажатларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3125-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 апрелдаги 365-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти бакалавриати ва магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2018 йил 30 ноябрдаги 01-02/13-70, 155-сон қарори (рўйхат рақами 3125, 2019 йил 21 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 4-сон, 64-модда) билан тасдиқланган Давлат божхона хизмати органларида мажбурий хизматни ўташ ҳақидаги шартномаларни тузиш ҳамда шартнома шартлари бажарилмаганда харажатларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 августда эълон қилинган.

Ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 3-банди 2019 йил 1 сентябрдан кучга киради.

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

**М. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 19 июль,  
01-02/13-47-сон

**Молия вазири**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 19 июль,  
86-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат божхона қўмитаси ва  
Молия вазирлигининг 2019 йил 19 июлдаги  
01-02/13-47, 86-сон қарорига  
ИЛОВА

**Давлат божхона хизмати органларида мажбурий  
хизматни ўташ ҳақидаги шартномаларни тузиш ҳамда  
шартнома шартлари бажарилмаганда харажатларни  
қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. Мазкур Низом Институтда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (бундан буён матнда давлат бюджети деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (бундан буён матнда ДБК деб юритилади) маблағлари ҳисобидан ўқиётган, уни тамомлаб мажбурий хизмат ўташ учун давлат божхона хизмати органларига, шунингдек ДБК томонидан бошқа давлат идораларига юборилган шахсларга нисбатан татбиқ этилади.»

2. 4-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4. Институтга ўқишга киришидан олдин (дастлабки танлов даврида) номзодлар ва уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар номзод Институтга ўқишга қабул қилингандан сўнг давлат божхона хизмати органларида мажбурий хизматни ўташ ҳақида шартнома имзолаши, шартнома шартларини бажариши, шунингдек, курсантлар сафидан чиқарилса ёки ўқишни тамомлагандан сўнг беш йил ичида хизматдан бўшатиб, шартномани муддатдан илгари бекор қилса ёки жиноят содир этиб жавобгарликка тортилса, ўқиш даврида унга сарфланган барча бюджет маблағларини қоплаши бўйича моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма равишда огоҳлантирилади.»

3. 9-банддаги «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 12-банд «маблағлар» деган сўздан кейин «ўқишдан четлаштириш ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5. 16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Қопланиши лозим бўлган маблағларни тўлаган ходим (курсант) хизматга тикланган (курсантлар сафига қайтарилган) ёки қайта қабул қилинган тақдирда ундан ундирилган пул маблағлари тўлиқ қайтарилади.»

6. 17-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«курсантларнинг ўқиши бошқа олий ҳарбий таълим муассасаларига кўчирилганда.»

7. 1-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Давлат божхона хизмати органларида  
мажбурий хизматни ўташ ҳақидаги шартнома-  
ларни тузиш ҳамда шартнома шартлари  
бажарилмаганда харажатларни қоплаш  
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчаларга  
ИЛОВА

«Давлат божхона хизмати органларида  
мажбурий хизматни ўташ ҳақидаги шартнома-  
ларни тузиш ҳамда шартнома шартлари  
бажарилмаганда харажатларни қоплаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

## ТИЛХАТ

Мен, \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институтига ўқишга қабул қилинсам, давлат божхона хизмати органларида мажбурий хизматни ўташ ҳақида шартнома имзолаш, шартнома шартларини бажариш, шунингдек курсантлар сафидан чиқарилсам ёки ўқишни тамомлаганимдан сўнг беш йил ичида интизомий жазо чораси сифатида хизматдан бўшатирилсам, шартномани муддатидан илгари бекор қилсам ёки жиноят содир этиб жавобгарликка тортилсам, ўқиш даврида менга сарфланган барча маблағларни қоплаш бўйича моддий жавобгарлигим тўғрисида огоҳлантирилдим.

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

Биз, \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институтига ўқишга киришга номзоднинг ота-онаси (фарзандликка олувчи ва васийи), фарзандимиз \_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

ўқишга қабул қилинса, давлат божхона хизмати органларида мажбурий хизматни ўташ ҳақида шартнома имзолаш, шартнома шартларини бажариш, шунингдек курсантлар сафидан чиқарилса ёки ўқишни тамомлаганидан сўнг беш йил ичида интизомий жазо чораси сифатида хизматдан бўшатиб, шартномани муддатидан илгари бекор қилса ёки жиноят содир этиб жавобгарликка тортилса, ўқиш даврида унга сарфланган барча маблағларни қоплаш бўйича моддий жавобгарлигимиз тўғрисида огоҳлантирилдик.

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

20\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**600** Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган харажатларнинг ғазна ижроси тартиби ҳақидаги низомнинг 52-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1941-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони-га мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 24 ноябрдаги 110-сон буйруғи (рўйхат рақами 1941, 2009 йил 16 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 16-сон, 206-модда) билан тасдиқланган Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган харажатларнинг ғазна ижроси тартиби ҳақидаги низомнинг 52-бандида:

учинчи ва тўртинчи хатбошилардаги «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«в» кичик банддаги «энг кам иш ҳақи миқдорининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ 2019 йил 1 сентябрдан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 5 август,  
88-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 августда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**601 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1336-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 15 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, **буюраман:**

1. «Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қийматини баҳолаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1336, 2004 йил 8 апрель) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2019 йил 7 августдаги 17-25/367-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 13 мартдаги 6/17-сон «Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қийматини баҳолаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1336, 2004 йил 8 апрель) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 августда эълон қилинган.



5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 19 август,  
346-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**602 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат  
реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1337-5*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 16 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан,  
**бу юраман:**

1. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1337, 2004 йил 16 апрель) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2019 йил 7 августдаги 17-25/367-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 1 мартдаги 563-сон «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 августда эълон қилинган.

бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1337, 2004 йил 16 апрель);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 9 апрелдаги 6/3-сон «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари-га бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1337-1, 2005 йил 30 апрель);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 9 июндаги 17/4-сон «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари-га бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1337-2, 2012 йил 22 июнь);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 6 июндаги 12/10-сон «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари-га бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1337-3, 2015 йил 18 июнь);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 27 февралдаги 4/2-сон «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари-га бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1337-4, 2016 йил 22 март).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 19 август,  
347-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**603 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1345-5*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 16 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан,  
**буюраман:**

1. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжалиklarининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1345, 2004 йил 30 апрель) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2019 йил 7 августдаги 17-25/367-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 1 мартдаги 564-сон «Тижорат банклари томонидан фермер хўжалиklarининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1345, 2004 йил 30 апрель);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 26 ноябрдаги 24/13-сон «Тижорат банклари томонидан фермер хўжалиklarини ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1345-1, 2004 йил 31 декабрь);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 5 июндаги 21/6-сон «Тижорат банклари томонидан фермер хўжалиklarини ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1345-2, 2010 йил 23 июнь);

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 9 июндаги 17/5-сон «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1345-3, 2012 йил 22 июнь);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 26 августдаги 21/3-сон «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1345-4, 2017 йил 6 сентябрь).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 19 август,  
348-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**604** Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 21 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2771-2*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет, Солиқ ва Божхона кодекслари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон «Давлат бюджетининг вазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 24 мартдаги 20, 2016-14, 01-02/8-10-сон қарори (рўйхат рақами 2771, 2016 йил 30 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 13-сон, 124-модда) билан тасдиқланган Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2019 йил 22 июль,  
84-сон

**Д. КУЧКАРОВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2019 йил 22 июль,  
2019-44-сон

**Б. МУСАЕВ**

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 21 августда эълон қилинган.

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

**М. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 22 июль,  
01-02/8-40-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги, Давлат солиқ  
қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг  
2019 йил 22 июлдаги 84, 2019-44,  
01-02/8-40-сон қарорига  
ИЛОВА

**Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса  
ижроси тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 6-банднинг иккинчи хатбошисидаги «берилиши мумкин» деган сўзлар «берилади» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. 33<sup>2</sup>-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33<sup>2</sup>. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 56 ва 57-моддаларига мувофиқ ортиқча тўланган солиқлар суммаларини қайтариш ёки ҳисобга олиш учун давлат солиқ хизмати органи ахборот тизимида маблағларни қайтариш ёки ҳисобга олиш тўғрисида электрон хулоса тайёрлайди ва электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш орқали «ЎРМВ» АТга электрон тарзда юборади. Электрон хулоса тузишнинг имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда, хулосалар давлат солиқ хизмати органининг ёзма мурожаатига асосан тегишли фазначилик бўлинмаларига қоғоз шаклида юборилиши мумкин.».

3. 33<sup>3</sup>-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33<sup>3</sup>. Давлат солиқ хизмати органи ахборот тизимидан «ЎРМВ» АТга электрон тарзда юборилган маблағларни қайтариш ёки ҳисобга олиш тўғрисида электрон хулоса тегишли туман (шаҳар) фазначилик бўлинмаси томонидан бир иш куни мобайнида кўриб чиқилиб қонун ҳужжатларига мувофиқ хулосада кўрсатилган маблағларни қайтариш ёки ҳисобга олишга эътирозлари бўлмаганида «ЎРМВ» АТда хулосани тасдиқлайди, эътирозлар бўлганида эса, сабабини кўрсатган ҳолда қайтарилади.»;

иккинчи хатбошидаги «молия бўлими» деган сўзлар «фазначилик бўлинмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 33<sup>4</sup>-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33<sup>4</sup>. Туман (шаҳар) фазначилик бўлинмалари томонидан «ЎРМВ» АТда маъқулланган хулосалар, хулосада кўрсатилган даромад шахсий фазна ҳисобварағидан жорий тушумлар ҳисобидан қайтариш ёки ҳисобга олиш учун бир иш куни муддатида ижрога қабул қилинади.».

5. 37<sup>1</sup>-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37<sup>1</sup>. Мазкур Йўриқноманинг 37-бандида белгиланган муддат ўтганидан сўнг маблагни қайтариш ёки ҳисобга олиш тўғрисидаги электрон хулосани ижро этиш «ЎРМВ» АТда автоматик тарзда тўхтатилади ва қайтариш ёки ҳисобга олиш бўйича тўлов ҳужжати шакллантирилади.

Бунда тўлов ҳужжати тегишли даромад тури учун қайтариш ёки ҳисобга олиш тўғрисидаги хулосалар тасдиқланган давридаги белгиланган ажратмалар меъёрига мутаносиб равишда ҳар бир бюджет учун алоҳида шакллантирилади.».

6. 37<sup>2</sup>-бандда:

учинчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бош бошқармалари томонидан» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича фазначилик бошқармалари томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «молия бўлимлари» деган сўзлар «Фазначилик бўлинмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «ДМЖ тақсимловчиси» деган сўзлар «Молия вазирлиги Фазначилиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 37<sup>3</sup>-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37<sup>3</sup>. Фазначилик бўлинмалари томонидан «ЎРМВ» АТда маъқулланган тўлов ҳужжати шу кундан кечиктирмасдан тасдиқланади ва маблаглар тегишли бюджетдан мавжуд қолдиқлар доирасида қайтарилади.».

8. 49 — 53-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

9. 59-банд «фазначилик бўлинмалари» деган сўзлардан кейин «ва ҳудудий молия органлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

10. 61-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

11. Қуйидаги мазмундаги 65<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«65<sup>1</sup>. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бюджет тизими бюджетларига ажратмалар меъёрлари бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда янгидан белгиланган ажратмалар меъёрлари ушбу Йўриқноманинг 13 ва 14-бандларида белгиланган тартибда «ЎРМВ» АТга киритилгунига қадар бюджет тизими бюджетларига амалга оширилган ажратмалар суммаси бўйича юзага келган тафовут Молия вазирлиги Фазначилиги томонидан даромад турлари кесимида ортиқча ўтказилган суммаларни бюджет тизими бюджетларининг шахсий фазна ҳисобварақларидан қайта ҳисоб-китоб қилинади ва тўғриланади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА САНОАТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ТАШҚИ САВДО ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**605** «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2885-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 14 апрелдаги 15, 125, 2017/10-3, 2017-09, 01-02/8-8-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2885, 2017 йил 16 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 20-сон, 374-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 6 август,  
89-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 августда эълон қилинган.



**Иқтисодиёт ва саноат вазири****Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 6 август,  
14-сон

**Инвестициялар ва ташқи  
савдо вазири****С. УМУРЗАКОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 6 август,  
кқ-01-сон

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси****Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 6 август,  
2019-51-сон

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси****М. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 6 август,  
01-02/8-31-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат  
вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо  
вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва  
Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил  
6 августдаги 89, 14, кқ-01, 2019-51 ва  
01-02/8-31-сон қарорига  
ИЛОВА

**«Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозиқ-овқат  
истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган  
корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини  
қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги  
қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимадаги «Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) 1-банднинг «а» кичик бандида:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;  
олтинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;  
б) 2-иловадан «М.Ў. (мухр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**606** Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3097-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ–5706-сон «Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 10 апрелдаги ПҚ–4276-сон «Фавқулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 октябрдаги 272-сон «Давлат ёнғин назорати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 28 октябрдаги 228-сон буйруғи (рўйхат рақами 3097-сон, 2018 йил 11 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 50-сон, 958-модда) билан тасдиқланган Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир в. б.**

**Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 16 июль,  
349-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
фавқулодда вазиятлар вазирининг 2019 йил  
16 июлдаги 349-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил  
этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. ДЁН органларининг тизими қуйидагилардан иборат:

марказий ДЁН органи — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (бундан буён матнда ФВВ деб юритилади);

худудий ДЁН органи — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармалари ҳамда ФВВга бевосита бўйсунувчи ёнғин хавфсизлиги марказлари;

маҳаллий ДЁН органи — туман (шаҳар) фавқулодда вазиятлар бўлимлари;

объектдаги ДЁН органи — ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектлардаги ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўлимлари.»

2. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, техник регламентлар, стандартлар, қоидалар ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ФВВнинг тегишли бошқармалари ва бевосита бўйсунувчи бўлинмалари (бошқарма, институт, марказ) томонидан амалга оширилади.»

3. 9-банддаги «ЁХББ» қисқартмаси «ФВВ» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

4. 39-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«39. Ёнғин хавфсизлиги талабларига мос келмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича аниқланган ҳолатлар ҳақида «Ўзстандарт» агентлиги қошидаги Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаментига хабар қилинади.»

5. 41-банддаги «Ёнғин хавфсизлиги» деган сўзлар «Фавқулодда вазиятлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 47-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«47. Меъёрий-техник ишлар — ФВВнинг марказий, худудий ва маҳаллий ДЁН органлари тегишли бўлинмаларининг мутахассислари томонидан қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширилади:».

7. 48-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«48. Худудий ва маҳаллий ДЁН органлари ёнғин хавфсизлиги талабларидан асосли равишда четга чиқилган ёки бундай талаблар мавжуд бўлмаган ҳолатларни кўриб чиқишда ҳамда қурилиш меъёрлари ва қоидаларини қайта ёки янгидан ишлаб чиқишда иштирок этмайди.»

8. 54-банддаги «ЁХББ меъёрий-техник бўлими ёки ЁХББнинг техник кенгаши» деган сўзлар «ФВВнинг Давлат ёнғин назоратини ташкил этиш бош бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 64-банднинг иккинчи хатбошисидан «(бўлинмаси, гуруҳи)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

10. 73-банддаги «ЁХББ», «ДЁХХ» ва «ЁХББ» деган қисқартмалар тегишлича «ФВВ», «ДЁН» ва «ФВВ» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин.

11. 108-банддаги «ДЁХХнинг» деган сўз «ДЁН органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 128-банддаги «Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ ЁХБлари томонидан шаҳар ва туман ЁХБларга» деган сўзлар «худудий ДЁН органлари томонидан маҳаллий ДЁН органларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 135-банднинг иккинчи хатбошисидagi «ДЁХХ ҳарбийлаштирилган ва касбий» деган сўзлар «ФВВ ёнғин-қутқарув» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 151-банддаги «прокуратура органларининг махсус электрон ахборот тизимига киритилади ва ўрнатилган тартибда» деган сўзлар «Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимига киритилади ва белгиланган тартибда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. 158-банднинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин.

16. 165-банднинг иккинчи хатбошисидagi «ИИБ» қисқартмаси «ФВВ» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

17. Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 2 — 10, 24, 30 — 32-иловаларидаги «Ички ишлар вазирлиги» деган сўзлар «Фавқулодда вазиятлар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18. 19-иловадаги «ИИБ, ИИБ ХЁХҚ ходимлари \_\_\_\_, объектларни қўриқлайдиган ИИБ, ИИБ ХЁХҚ ходимлари \_\_\_\_, аҳоли яшаш жойларини қўриқлайдиган ИИБ КЁХҚ ходимлари \_\_\_\_, объектларни қўриқлайдиган ИИБ КЁХҚ», «ХЁХҚ, КЁХҚ» ва «ЁХ Бош бошқарма» деган сўзлар тегишлича «ФВВ Ёнғин-қутқарув қисмларининг ходимлари \_\_\_\_, объектларни қўриқлайдиган ФВВ Ёнғин-қутқарув қисмларининг», «Ёнғин-қутқарув қисми» ва «Давлат ёнғин назоратини ташкил этиш бош бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги ва Ўзбекистон савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Қурилиш вазирининг  
биринчи ўринбосари*

**Б. ЗАКИРОВ**

2019 йил 9 июль

*«Ўзстандарт» агентлиги  
бош директори*

*Д. САТТАРОВ*

*2019 йил 9 июль*

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

*А. ИКРАМОВ*

*2019 йил 10 июль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**608 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат  
реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 994-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 20 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Қамоққа олинган ва озодликдан маҳрум қилинган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш самарасини ошириш чоралари тўғрисида»ги буйруқни (рўйхат рақами 994, 2000 йил 22 декабрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 15 августдаги 28/12-3369-сон, 10-2-5/3809-сон хатлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақ-

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 августда эълон қилинган.

лаш вазирлигининг 2000 йил 4 декабрдаги 248-сон, 5 декабрдаги 625-сон «Қамокқа олинган ва озодликдан маҳрум қилинган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш самарасини ошириш чоралари тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 994, 2000 йил 22 декабрь) давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 23 август,  
353-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**609 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1327-2*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 19 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 августда эълон қилинган.

қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан,  
**буюраман:**

1. «Ўзбекистон Республикасининг давлат ўрта муддатли ғазна мажбуриятларини жойлаштириш, муомалада юритиш ва тўлаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1327, 2004 йил 16 март) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2019 йил 9 августдаги 17-25/373-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 24 январдаги 26, 244-В-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат ўрта муддатли ғазна мажбуриятларини жойлаштириш, муомалада юритиш ва тўлаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1327, 2004 йил 16 март);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 27 ноябрдаги 172, 244-В-1-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат ўрта муддатли пул мажбуриятларини жойлаштириш, муомалада бўлиши ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1327-1, 2017 йил 27 декабрь).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 23 август,  
354-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**610 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1617-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 19 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, **буюраман:**

1. «Ўсимлик ёғини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1617, 2006 йил 24 август) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 2 августдаги БУ-1-7/6-3427-5-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2006 йил 24 августдаги 6, 77-сон «Ўсимлик ёғини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1617, 2006 йил 24 август) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 23 август,  
355-мх-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 августда эълон қилинган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**611 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1451-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 21 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъерий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, **буюраман:**

1. «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига аммиакли селитрани етказиб бериш шартномаларини тузиш, сақлаш ва бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1451, 2005 йил 16 февраль) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 2 августдаги БУ-1-7/6-3427-5-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2004 йил 14 декабрдаги 49, 124, 15/1378 ва 02-20/101-сон «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига аммиакли селитрани етказиб бериш шартномаларини тузиш, сақлаш ва бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1451, 2005 йил 16 февраль) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 августда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 23 август,  
356-мҲ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**612 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат  
реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 871-2*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 21 августдаги ҳулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, **бўйраман:**

1. Алкоголь маҳсулотларини сотиш ва олдиндан ҳақ тўлаш миқдорини аниқлаш тартибини (рўйхат рақами 871, 2000 йил 14 январь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 16 августдаги 06/01-24/04-32/3724-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2000 йил 14 январда ЭГ/29-02-2235, 99-123-сон билан тасдиқланган Алкоголь маҳсулотларини сотиш ва олдиндан ҳақ тўлаш миқдорини аниқлаш тартиби (рўйхат рақами 871, 2000 йил 14 январь);

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2000 йил 5 апрелда ДК/29-39, 2000-46-сон билан тасдиқланган Алкоголь маҳсулотларини сотиш ва олдиндан ҳақ тўлаш миқдорини аниқлаш тартибига 1-сонли ўзгартириш (рўйхат рақами 871-1, 2000 йил 20 апрель).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 23 август,  
357-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**613** Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1677-3*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 19 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 августда эълон қилинган.

«Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан,  
**буюрман:**

1. «Биржа савдоларида цемент сотиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни (рўйхат рақами 1677, 2007 йил 2 май) Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 2 августдаги БУ-1-7/6-3427-5-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 9 апрелдаги 23, 50 ва 01/УзРТСБ-18/11-сон «Биржа савдоларида цемент сотиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1677, 2007 йил 2 май);

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2010 йил 3 сентябрдаги 99, 73 ва 01/19-18/06-сон «Биржа савдоларида цементни сотиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1677-1, 2010 йил 16 сентябрь);

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2012 йил 8 февралдаги 3, 14 ва 01/19-18/03-сон «Биржа савдоларида цементни сотиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1677-2, 2012 йил 2 март).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 23 август,  
358-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**614 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1352-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 19 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, **буюраман:**

1. «Биржа савдоларида қора металллар прокатини сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1352, 2004 йил 11 май) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 2 августдаги БУ-1-7/6-3427-5-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўзметкомбинат» АИБ ва Товар хом ашё биржасининг 2004 йил 8 апрелдаги 28, 01/24-20, 58, 01-1/74 ва 42-01/172-сон «Биржа савдоларида қора металллар прокатини сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1352, 2004 йил 11 май) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 августда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 23 август,  
359-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**615 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат  
реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1476-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 19 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Тугатилаётган иқтисодий ночор қурилиш ташкилотларининг қурилиш техникаси, транспорт воситалари ва кичик механизация воситалари, шунингдек мол-мулкни реализация қилиш натижасида келиб тушган маблағларни уларнинг бюджетга солиқ тўловлари бўйича қарзларини қоплаш ҳисобига «Қурилиш-лизинг» лизинг компаниясига бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1476, 2005 йил 28 май) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 14 августдаги 04/06-02-32/2602-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 августда эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирилиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг 2005 йил 12 апрелдаги 39, 2005-34, 01/06-15/01 ва ГС 05/02-84-сон «Тугатилаётган иқтисодий ночор қурилиш ташкилотларининг қурилиш техникаси, транспорт воситалари ва кичик механизация воситалари, шунингдек мол-мулкни реализация қилиш натижасида келиб тушган маблағларни уларнинг бюджетга солиқ тўловлари бўйича қарзларини қоплаш ҳисобига «Қурилиш-лизинг» лизинг компаниясига бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1476, 2005 йил 28 май) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 23 август,  
360-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**616** Тижорат банклари томонидан норезидентларнинг  
Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги  
ҳисобварақларини юритиш тартибига ўзгартиришлар ва  
қўшимча киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 510-6*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 5 сентябрда 231-сон билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларини юритиш тартибига (рўйхат рақами 510, 1998 йил 22 октябрь) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 20 июль,  
16/6-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил  
20 июлдаги 16/6-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан норезидентларнинг  
Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги  
ҳисобварақларини юритиш тартибига киритилаётган  
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 2.1-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:  
«қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.».
2. 4.1-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 августда эълон қилинган.



«4.1. Банк фаолияти билан шуғулланиш ёки хорижий валютада операцияларни ўтказиш учун тегишли лицензияга эга бўлган хорижий банклар Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларида «лоро» корреспондентлик ҳисобварақларини очишлари мумкин.».

3. 4.3-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа жорий халқаро операциялардан олинган, шунингдек, норезидентларнинг қимматли қоғозларни сотишдан тушган маблағлари.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**617** Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган  
банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага  
ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-18*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сон қарори (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 18-сон, 229-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 августда эълон қилинган.

Ўзгартиришларнинг 1-банди 2019 йил 1 сентябрдан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 10 август,  
18/4-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил  
10 августдаги 18/4-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган  
банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 8-банднинг бешинчи хатбошисидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
2. 33-бандда:  
иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;  
учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.
3. 46-банднинг биринчи хатбошисидаги «суриштирувчи, терговчи» деган сўзлар «терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2019 йил 17 августдан 23 августгача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси, Молия вазирлигининг 2019 йил 19 июлдаги 01-02/13-47, 86-сон «Давлат божхона хизмати органларида мажбурий хизматни ўташ ҳақидаги шартномаларни тузиш ҳамда шартнома шартлари бажарилмаганда харажатларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

*2019 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3125-1.*

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 5 августдаги 88-сон «Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган харажатларнинг газна ижроси тартиби ҳақидаги низомнинг 52-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1941-2.*

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 19 августдаги 346-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1336-1.*

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 19 августдаги 347-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1337-5.*

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 19 августдаги 348-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1345-5.*

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмита-

си, Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 22 июлдаги 84, 2019-44, 01-02/8-40-сон «Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2019 йил 21 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2771-2.**

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 6 августдаги 89, 14, ққ-01, 2019-51, 01-02/8-31-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2019 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2885-1.**

8. Ўзбекистон Республикаси фавқулудда вазиятлар вазирининг 2019 йил 16 июлдаги 349-сон «Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2019 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3097-1.**

9. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 13 августдаги 93-сон «Аҳоли томонидан коммунал хизматлар ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлагани учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1032-5.**

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 23 августдаги 353-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

**2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 994-1.**

11. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 23 августдаги 354-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

**2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1327-2.**

12. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 23 августдаги 355-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1617-1.*

13. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 23 августдаги 356-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1451-1.*

14. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 23 августдаги 357-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 871-2.*

15. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 23 августдаги 358-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1677-3.*

16. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 23 августдаги 359-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1352-1.*

17. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 23 августдаги 360-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1476-1.*

18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 20 июлдаги 16/6-сон «Тижорат банклари томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларини юритиш тартибига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори.

*2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 510-6.*

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 10 августдаги 18/4-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

*2019 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-18.*

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қийматини баҳолаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1336, 2004 йил 8 апрель).

***Адлия вазирининг 2019 йил 19 августдаги 346-мҳ-сон буй-руғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1337, 2004 йил 16 апрель), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1337-1, 2005 йил 30 апрель), (рўйхат рақами 1337-2, 2012 йил 22 июнь), (рўйхат рақами 1337-3, 2015 йил 18 июнь), (рўйхат рақами 1337-4, 2016 йил 22 март).

***Адлия вазирининг 2019 йил 19 августдаги 347-мҳ-сон буй-руғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1345, 2004 йил 30 апрель), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1345-1, 2004 йил 31 декабрь), (рўйхат рақами 1345-2, 2010 йил 23 июнь), (рўйхат рақами 1345-3, 2012 йил 22 июнь), (рўйхат рақами 1345-4, 2017 йил 6 сентябрь).

***Адлия вазирининг 2019 йил 19 августдаги 348-мҳ-сон буй-руғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Аҳоли томонидан коммунал хизматлар ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлагани учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1032, 2001 йил 17 май), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1032-1, 2002 йил 21 май), (рўйхат рақами 1032-2, 2006 йил 14 август), (рўйхат рақами 1032-3, 2013 йил 14 июнь), (рўйхат рақами 1032-4, 2017 йил 4 май).

***Адлия вазирининг 2019 йил 23 августдаги 352-мҳ-сон буй-руғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Қамоққа олинган ва озодликдан маҳрум қилинган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш самарасини ошириш чоралари тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 994, 2000 йил 22 декабрь).

***Адлия вазирининг 2019 йил 23 августдаги 353-мҳ-сон буй-руғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бош-қарувининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат ўрта Муддатли газна мажбуриятларини жойлаштириш, муомалада юритиш ва тўлаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1327, 2004 йил 16 март), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1327, 2017 йил 27 декабрь)

*Адлия вазирининг 2019 йил 23 августдаги 354-мҳ-сон буй-руғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг «Ўсимлик ёғини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1617, 2006 йил 24 август).

*Адлия вазирининг 2019 йил 23 августдаги 355-мҳ-сон буй-руғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига аммиакли селитрани етказиб бериш шартномаларини тузиш, сақлаш ва бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1451, 2005 йил 16 февраль).

*Адлия вазирининг 2019 йил 23 августдаги 356-мҳ-сон буй-руғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган Алкоголь маҳсулотларини сотиш ва олдиндан ҳақ тўлаш миқдорини аниқлаш тартиби (рўйхат рақами 871, 2000 йил 14 январь), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 871-1, 2000 йил 20 апрель).

*Адлия вазирининг 2019 йил 23 августдаги 357-мҳ-сон буй-руғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг, Молия вазирлиги, Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг «Биржа савдоларида цемент сотиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1677, 2007 йил 2 май), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1677-1, 2010 йил 16 сентябрь), (рўйхат рақами 1677-2, 2012 йил 2 март).

*Адлия вазирининг 2019 йил 23 августдаги 358-мҳ-сон буй-руғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўзметкомбинат» бирлашмаси Ўзбекистон республика товар хом ашё биржасининг «Биржа савдоларида қора металлар прокатини сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1352, 2004 йил 11 май).

*Адлия вазирининг 2019 йил 23 августдаги 359-мҳ-сон буй-руғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг «Тугатилаётган иқтисодий ночор қурилиш ташкилотларининг қурилиш техникаси, транспорт воситалари ва кичик механизация воситалари, шунингдек мол-мулкни реализация қилиш натижасида келиб тушган маблағларни уларнинг бюджетга солиқ тўловлари бўйича қарзларини қоплаш ҳисобига «Қурилиш-лизинг» лизинг компаниясига бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» қарори (рўйхат рақами 1476, 2005 йил 28 май).

*Адлия вазирининг 2019 йил 23 августдаги 360-мҳ-сон буй-руғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**



